БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН • № 229 (19.305). • 1985 йил 6 октябрь, якшанба • Баҳоси 3 тийин.

АЗИЗ ПАХТАКОРЛАР!

Пахта конвейери узлуксиз ва тўхтовсиз ишлаб туришига эришайлик. Ҳозирги ғанимат кунларнинг ҳар лаҳзасидан унумли фойдаланайлик!

Ватанга «5 миллион 730 минг тонналик пахта хирмони тиклаймиз!» — деб ваъда берганмиз. Сўзимизнинг устидан чиқишимиз керак!

М. С. ГОРБАЧЕВНИНГ ФРАНЦИЯГА РАСМИЙ ВИЗИТИ

В. И. ЛЕНИН КВАРТИРА-МУЗЕЙИНИ БОРИБ КЎРИШДИ

В. И. Ленин Музейида.

ПАРИЖ, 4 октябрь. (ТАСС). Франция меҳнаткашлари В. И. Лениннинг ўз мамлакатларида бўлганлиги тўғрисидаги хотирани авайлаб сақлайдилар. Кўплаб парижликлар Мари-Роз кўчасини биладилар. 4-ий пештоқида В. И. Ленин барельефи ўрнатилган ва қуйидаги сўзлар ёзиб қўйилган:

«Бу уйда 1909 йилнинг 6 июлидан 1912 йилнинг 12 июнигача В. И. Ленин яшаган».

Франция Компартияси КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги марксизм-ленинизм институти билан ҳамкорликда бу ерда учинчи қаватдаги квартирада музей ташкил этди. Музей 1955 йилнинг апрелида очилди. Франция коммунистлари бу ерга келувчиларнинг жаҳон пролетариати улуғ йўлбошчиси ҳаёти ва фаолияти тўғрисида тўла тасаввурга эга бўлишлари учун барча ишларни қилдилар.

Бугун КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачев В. И. Ленин квартира-музейини бориб кўрди. Бу ерга йиғилган француз коммунистлари, меҳнаткашлар уни самимий табриклади. Юзлаб кишилар: «Яшасин Совет Иттифоқи!», «Яшасин ФКП ва КПСС!» деган сўзларни бир овоздан такрорладилар.

М. С. Горбачевни ФКП Бош секретари Ж. Марше, партия Сиёсий бюросининг аъзолари К. Бийар, П. Блотэн, М. Венсан, Ж.-К. Гэссо, Ф. Лазар, П. Лоран, Ж. Моро, Г. Плиссонье, Ф. Эрзог кутиб олдилар.

ФКП аъзоси, квартира-музей мутасаддиси ўртоқ Ж. Лорингe музейнинг тарихи, уйнинг экспонатлари тўғрисида М. С. Горбачевга гапириб берди. КПСС Марказий Комитети Бош секретари 1909—1912 йилларда рус революционерларининг чинакам штаби бўлган Ленин квартирасини зўр қизиқиш билан кўздан кечирди. У В. И. Лениннинг Париждаги фаолияти тўғрисида, КПСС билан Франция Компартиясининг тарихи ҳақида ҳикоя қилувчи ҳужжатлар, фотосуратлар, гравюралар билан танишиб чиқди.

М. С. Горбачев билан Ж. Марше ўртоқлар В. И. Лениннинг кабинет-хонасидан балконга чиқадилар. Париж меҳнаткашларининг вакиллари уларни қизғин қарсаклар билан кутиб оладилар.

Ж. Марше йиғилганларга мурожаат қилиб, бундай деди:

Сизнинг бугун бу ерга келишингиз Франция билан СССР ўртасидаги ҳамкорликка яхши муносабатда эканлигингиздан далолат беради. Мен аминманки, сизларнинг кўпчилигингиз учун бу ФКП билан КПССни бирлаштириб турган бирдамлик рамзидир. Мен сизнинг номингиздан, бу ерда ҳозир бўлган барча кишилар номидан М. С. Горбачевни табриклайман ва «Хуш келибсиз!» дейман.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари микрофон олдига келади. У шундай деди:

Қадрли дўстлар! Бу ерга келганлигингиз учун сизларга самимий миннатдорчилик билдираман. Мен буни совет халқига нисбатан, Совет Иттифоқи Коммунистик партиясига нисбатан бўлган туйғуларнинг ифодаси деб, халқларимиз ва партияларимиз ўртасидаги қардошларча муносабатларнинг ифодаси, деб қабул қиламан.

Биз Францияга қилган визитимизни ғоят муҳим воқеа деб ҳисоблаймиз. Жаҳонда қийин масалалар ва проблемалар кўплаб тўпланиб қолган, кўпгина халқларнинг куч-ғайрат сарфлаши талаб қилинаётган ҳозирги пайтда биз, табиийки, Франция, француз халқи сингари ишончли шерикка умид боғлаймиз. Мен сизлар орқали француз халқини табриклайман. Совет халқининг қизғин саломини қабул қилгайсиз.

М. С. Горбачев ва Ж. Маршенинг нутқлари қизғин, давомли қарсаклар билан кутиб олинди.

М. С. Горбачев рассом П. Белоусовнинг В. И. Лениннинг Франциядаги ҳаёти ва фаолияти тўғрисида ҳикоя қилувчи график асарларини, мактубларни, «Социал-демократ» ва «Пролетарий» газеталарининг Ленин мақолалари босилган 1909—1911 йиллардаги айрим сонларини, В. И. Лениннинг чет тилларда нашр этилган китоблар тўпламини музейга туҳфа қилиб топширди.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари меҳмонлар китобига қуйидаги сатрларни ёзиб қолдирди: «Мари-Роз кўчасидаги музейни келиб кўриш биз учун қадрдон бўлган инсон — Владимир Ильич Ленин тўғрисидаги хотирани авайлаб сақлаётган французларга миннатдорчилик туйғулари билан қалбларимизни тўлдиради. Биз ҳамма нарсани Лениндан ўргандик, ўрганяпмиз ва ўрганаверамиз».



М. С. Горбачев ва Ф. Миттераннинг матбуот конференцияси.

М. С. ГОРБАЧЕВ ВА Ф. МИТТЕРАННИНГ БИРГАЛИКДАГИ МАТБУОТ КОНФЕРЕНЦИЯСИ

ПАРИЖ, 4 октябрь. (ТАСС). КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачев ва Франция Президенти Ф. Миттеран бугун Елисей саройида музокаралар тугагандан сўнг биргаликда матбуот конференцияси ўтказдилар.

Ф. Миттеран матбуот конференциясини очиш чоғида «М. С. Горбачев баён қилиб берган масалаларнинг бутун комплексини зўр қизиқиш билан эътиборга олганлиги»ни, совет раҳбари билан музокаралардан ҳар икки томон «бир-бирларининг фикри билан танишиш йўлида олға силжиди, шу тариқа ҳозирги дунё олдида турган мураккаб проблемаларни ҳал этишда тараққиётга кўмаклашиш имкониятига эга бўлди, деган фикрга келганлиги»ни уқтириб ўтди. У давлатлар ўз сиёсатида «сўнгги йилларда ҳаддан ташқари тез-тез жиддийлашиб турган халқаро муносабатларда кескинликни юмшатишни кўзда тутишлари» зарурлигини айтди.

Франция давлатининг бошлиғи француз — совет музокаралари чоғида гап энг аввало ва асосан қуролсизланиш, кучлар мувозанати тўғрисида, бинобарин, тинчлик тўғрисида ва тинчликни сақлаб қолиш шарт-шароитлари тўғрисида, уруш хатаридан қандай қилиб қутулиш ҳақида борганлигини таъкидлаб, шу муносабат билан барча стратегик қуролларни 50 процент қисқартириш хусусидаги янги совет таклифига алоҳида тўхталиб ўтди.

«Бу таклифни бевосита манфаатдор бўлган мамлакатлар — АҚШ билан СССР тағин ҳам конкретроқ муҳокама қилишлари керак, — деди Президент. — Бунинг учун уларда ҳамма имкониятлар: экспертлар, тегишли маълумотлар мавжуд. Улар таққослаш мумкин бўлган масалаларни таққослашлари, баҳсли нарсалар тўғрисида баҳс юритишлари мумкин. Бошқача қилиб айтганда, музокараларда олға силжиш учун СССР билан АҚШ ихтиёрида барча имкониятлар бор. Мен КПСС Марказий Комитети Бош секретарининг келгуси ойда АҚШ президенти билан бўладиган учрашуви ҳам ана шу мақсадга кўмаклашади, деб умид қиламан. Уларнинг Женевадаги музокаралари муваффақиятидан ҳамма, шу жумладан, бу музокараларда иштирок этмаётганлар ҳам манфаатдордир, чунки тинчлик бизнинг умумий ишимиздир».

Франсуа Миттеран қуролланиш пойгаси космосга чиқарилмаган тақдирдагина қурол-яроғларни анча камайтиришга муваффақ бўлиш мумкинлигини таъкидлади.

«Франция ҳамиша ўз иттифоқчилари билан ихтилофлар келиб чиқишига йўл қўймасликка интилиб келди, америкалик дўстлар ҳам шу иттифоқчилар қаторига киради, деб давом этди Президент. — Яқиндагина ҳаммага яхши маълум бўлган вазиятда Франция космик қуролларни яратишда ҳеч қандай шаклда иштирок этмаслигини айтишга мажбур бўлган эди. Бу қурол мавжуд қуроллардан фарқ қилади. Ядровий қуролларни космоса олиб чиқиш ракетага қарши мудофаа системалари тўғрисидаги 1972 йилги аҳдномаларнинг барбод бўлишини билдиришга қолмай, қуролланиш пойгасининг янги даврасини бошлашни, қуролланишнинг бошқа формаларига ўтишни ҳам билдиради, мен бу қуролларнинг характерини ҳозирги пайтда аниқлаб беришга қодир эмасман.

Америка раҳбарларининг бу ҳақда менга айтган гаплари ёдимда, албатта. Улар буни мудофаа қуроли деб ҳисоблайдилар, аммо мен бу ҳақда мунозара қилмоқчи эмасман. Франция стратегик мудофаа ташаббуси программасида қатнашмаслигини, космос уни ҳам қизиқтиришини, лекин космосни ўзлаштириш ва ҳозирги инсоният ундан фойдаланишнинг бошқа усуллари ҳам мавжуд деб ўйлашини маълум қилди».

Президент Франция ўзининг ядро қуроллари ҳисобга олинишидан муттасил бош тортиб келганлигини эслатиб, Франциянинг ядровий кучлари унинг иштирокисиз муҳокама қилиниши мумкин эмаслигини таъкидлади.

Бизнингча, деб давом этди у, қуролсизланиш проблемаси бир вақтнинг ўзида ҳар томонлама: фақат ўртача олислик ядро қуролларига эмас, стратегик қуроллар ҳам, шунингдек, оддий ноядровий воситалар ҳам, энг муҳими эса, химиявий қуроллар ва ракеталарга қарши воситалар муҳокама қилиниши лозим. Франция ўзаро фикрлашувдан, хусусан Совет Иттифоқи билан ўзаро фикрлашувдан воз кечаётгани йўқ, қарор топган ёки қайта бошланаётган мулоқот бунинг яхши усулидир, лекин музокаралар бўлиши мумкин деган фикр хаёлимга келмаган эди.

«Мамлакатларимиз аҳволи бир хил эмас. Биз турли хилдаги жамиятга мансубмиз. Биз бошқа-бошқа иттифоқларга аъзомиз. Бир-биримизни ажратиб турган масофани яқинлаштириш учун ҳамжиҳатлик кўрсатиш ва ҳамкорликни кенгайтиришнинг барча имкониятларига кўмаклашиш лозим. Биз айнан шундай қилдик ва шундай қиларамиз, чунки, Бош секретарь бизни келгуси йилда Москвага ташриф буюришга лутфан таклиф этди ва мен бу таклифни қабул қилдим».

Бошқа мавзулар ҳам тилга олиб ўтилди, албатта, деб давом этди сўнгра Президент, хусусан Стокгольм конференцияси келгуси йилнинг ўталарига қадар унда иштирок этаётган 35 мамлакатнинг бир фикрга келиши билан тугалланиши зарурлиги ҳақидаги истагимиз, Хельсинки кенгаши якунловчи актининг барча бандлари ҳозиргидан кўра ҳам кўпроқ даражада ҳаётга жорий этилиши зарурлиги ҳақидаги истакларимиз ҳам тилга олиб ўтилди.

Биз регионал можаролар деб аташ мумкин бўлган бошқа ғоят муҳим жиҳатларни ҳам тилга олиб ўтдик, деб таъкидлади Ф. Миттеран.

«Икки томонлама муносабатлар соҳасида бизнинг суҳбатларимизда савдо, савдо балансининг мувозанати, космосни тинч ўзлаштириш деб аташ мумкин бўлган соҳада бир қанча лойиҳалар, технология соҳасидаги ғоят катта муваффақиятларга оид бўлди. Хусусан, ядро синтези деб аталаётган соҳа тўғрисида гаплашиб олдик. Бу соҳада ҳар икки мамлакатимиз ғоят илғор технологияга эгадир. Қисқача қилиб айтганда, биринчи ёки иккинчи томон қандайдир ютуқларга, бойлик ва муваффақиятга эга бўлган, ана шу ютуқлардан ўзаро фойда олиш мумкин бўлган ҳамма соҳалар тўғрисида фикрлашиб олдик».

Пировардида Ф. Миттеран бундай деди: мен айтган ҳозирги фикрларимнинг ҳаммаси дунёнинг энг муҳим проблемаларини жиддий муҳокама қилганлигимиз учун, шунингдек, Бош секретарь бошқа ҳамма ишлардан ташқари бу муҳокамани тағин ҳам самимийроқ ҳамкорлик қилиш мумкинлигини олдиндан кўра билишга имкон берадиган тарзда олиб борганлиги учун ўзига хос миннатдорчилик сифатида қабул қилинишини истар эдим. Бу эса ҳар икки мамлакатимизнинг бутун даврлар давомидаги ва айниқса иккинчи жаҳон урушидан кейинги тарихий анъаналарига тўла мос бўлиб тушар эди. Иккинчи жаҳон урушида Совет Иттифоқи, шунингдек, биз ҳам оғир талафотлар берганмиз. Берилган қурбонлар учун Совет Иттифоқи халқларига яна бир бор миннатдорчилик билдирамиз, Франциянинг озод қилиниши ана шу қурбонларнинг қаҳрамонона натижаларидан бири бўлди.

Сўнгра М. С. Горбачев баёнот берди. У бундай деди:

Президент жаноблари,

Мен Сиздан эстафетани қабул қилиб олаяпман. Биз Францияга нега ва нима учун келганимизни яна бир бор айтиб ўтмоқчиман. Биз Совет Иттифоқида шунга асосланиб иш тутяпмизки, ҳозир дунёдаги вазият, аввало, халқаро миқёсда катта салмоққа эга бўлган мамлакатлардан масъулиятли қарорлар ва масъулиятли ҳаракатлар талаб қилаётган ривожланиш босқичида турибди. Бунда мен Совет Иттифоқини ҳам, АҚШни ҳам, Францияни ҳам, Англияни ҳам, бошқа мамлакатларни ҳам назарда тутаман. Агар ҳаммамиз биргаликда киришсак, ҳозирги дунёнинг реаллиги ларига асосланиб яхшироқ, хавф-хатарсизроқ дунёни барпо эта оламиз, тараққиётни таъминлай оламиз, халқаро вазиятни соғломлаштиришга эриша оламиз.

Ўз сиёсий системаларимиз, идеологияларимиз, дунёқарашларимиз нақадар хилма-хил бўлмасин, биз ҳаммамиз ишонч, ҳамжиҳатлик ва ҳамкорлик билан характерланадиган тинчликка эришиш йўлини қидириш зарурати қаршисида турибмиз. Биз — мулоқот тарафдоримиз. Ҳар ҳолда совет раҳбарлари мана шуларнинг ҳаммаси — соғлом ақл-идрокнинг табиий талаби, деб ҳисоблайдилар.

Совет Иттифоқи учун Франция мана шу масалаларни биргаликда муҳокама қиладиган муҳим шерикдир. Биринчидан, бу соҳада анъаналаримиз бор. Мана шу анъаналар ҳозирги муносабатларимизга далда бериб турибди. Бу анъаналар келгусидаги муносабатларимизга ҳам далда бераверади, деб ўйлайман. Мен анъаналар ҳақида гапирганимда сиёсий характердаги, давлат раҳбарлари даражасидаги алоқаларнигина назарда тутаётганим йўқ. Аввало, халқларимизни ўн йиллар юз

(Давоми иккинчи бетда).

ДЎСТОНА ВАЗИЯТДА

ПАРИЖ, 4 октябрь. (ТАСС). Бугун КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг аъзоси М. С. Горбачев ўзининг Францияга қилган расмий визити муносабати билан зиёфат берди.

Зиёфатда: Франция томонидан — Республика Президенти Ф. Миттеран, Бош министр Л. Фабиус, Миллат мажлисининг раиси Л. Мермаз, сенат раиси А. Поэр, ҳукумат аъзолари, таниқли сиёсат ва жамоат арбоблари, савдо-саноат, фан ва маданият доираларининг вакиллари; Совет томонидан — визитда қатнашаётган расмий кишилар, СССРнинг Франциядаги элчиси Ю. М. Воронцов, Франциядаги совет муассасаларининг ходимлари бор эдилар.

Зиёфатда М. С. Горбачев ва Ф. Миттеран нутқ сўзладилар. Уларнинг нутқлари эътибор билан тингланди ва қарсаклар билан кутиб олинди.

Зиёфат дўстона вазиятда ўтди.

АВТОЗАВОД БИЛАН ТАНИШУВ

ПАРИЖ, 4 октябрь. (ТАСС). Бугун куннинг иккинчи ярмида М. С. Горбачев Париж яқинидаги Пуасси шаҳрида «Пежо» автомобиль компанияси заводига борди. Шу фирма автомашиналарининг маркалари Францияда ҳам, шунингдек, ундан ташқарида ҳам машҳурдир.

М. С. Горбачев автомобиль кузовлари йиғиладиган цехда бўлди. Фирма ва завод раҳбарлари унга корхонанинг реконструкция қилинганлиги тўғрисида сўзлаб бердилар. Натижада аввалги ишлаб чиқариш майдонларида юқори унумли замонавий техникани жойлаштиришга муваффақ бўлинди. М. С. Горбачев роботлар билан жиҳозланган тез ўзгарувчан технология линияларининг иши билан қизиқди. Бу ерда ҳар куни уч хил моделдаги мингта «Пежо» енгил автомобиллари ишлаб чиқарилмоқда.

«Пежо — Ситроен» автомобиль группасининг президенти Ж. Кальве совет корхоналари ва ташкилотлари билан амалий алоқаларни ривожлантиришни ёқлаб гапирди.

Заводни кўздан кечириш чоғида Франция саноатни қайта қуриш ва ташқи савдо министри Э. Крессон М. С. Горбачевга ҳамроҳлик қилди.



Суратда: Пуассидаги автозаводда.

ТАСС телефотоси.

М. С. ГОРБАЧЕВ Ж. Марше билан учрашди

ПАРИЖ, 5 октябрь. (ТАСС). Бугун бу ерда КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачев Франция Коммунистик партиясининг Бош секретари Ж. Марше билан учрашди.

Қардошларча дўстлик вазиятида ўтган суҳбат чоғида М. С. Горбачев олий даражадаги Франция — Совет музокараларининг якунлари тўғрисида сўзлаб берди. Ж. Марше француз коммунистлари КПСС ва ФКПнинг қўшма баёнотида Франция — Совет муносабатларини ривожлантириш ҳамда чуқурлаштириш, бу борадаги барча мавжуд резервлардан фойдаланиш француз халқининг ҳаётий манфаатларига мос келажаги тўғрисида изҳор қилган астойдил ишончни яна бир бор таъкидлади.

Иккала томоннинг фикрича, муҳолифликни камайтириш, қуролланиш пойгасини чеклаш ва кескинликни юмшатишга қайтиш йўлида олға томон қўйиладиган ҳар қандай қадамлар ишчилар синфи, бутун демократик ва тинчликсевар жамоатчилик томонидан ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга муносибдир.

Учрашувда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси Э. А. Шеварднадзе, КПСС Марказий Комитетининг аъзолари А. М. Александров, В. В. Загладин, Л. М. Замятин, ФКП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Марказий Комитет секретари М. Гремец иштирок этдилар

М. С. ГОРБАЧЕВ ВА Ф. МИТТЕРАННИНГ БИРГАЛИКДАГИ МАТБУОТ КОНФЕРЕНЦИЯСИ

(Боши биринчи бетда).

йилларидан бери бирлаштириб келаётган жамики анъаналарни назарда тутяпман. Бу — Россия билан Францияга, Совет Иттифоқи билан Францияга инсоният тарихининг энг қийин даврларида учрашиш, энг ўткир, ҳаётий муҳим проблемаларни муҳокама қилиш, мана шундай проблемаларни ҳал этиш йўлларини қидириш билан шуғулланиш имконини доимо бериб келган яхши асосдир. Биз айни мана шу фикрга асосланиб, Президент Ф. Миттераннинг Францияга келиш тўғрисидаги таклифини қабул этдик. Меҳмондўстлик учун сизларга яна бир бор астойдил ташаккур айтмоқчиман.

Сиз айтган гапларга шуни қўшимча қилмоқчиманки, бизнинг мамлакатларимиз визитдан аввал ҳам, визит давомида ҳам, — бу визит эса тугай деб қолди, — ўз ижтимоий-сиёсий системасида бўлиб келди ва шу системада қолмоқда, уларнинг ҳар бири ўз идеологиясига эътиқод қилмоқда, неча қайси ҳарбий-сиёсий иттифоқларга мансуб бўлган бўлса, ҳозир ҳам уларга мансубдир, эртага ҳам уларга мансуб бўлаверади. Мен ҳам, Президент жаноблари ҳам музокаралар чоғида бир-биримизни бошқа эътиқодга ўтказиш вазифасини асло ўз олдимизга қўйганимиз йўқ. Аммо биз турли системаларга, ҳарбий-сиёсий ташкилотларга мансублигимиз Совет Иттифоқи билан Франция, Бош секретарь билан Президент тўғисаётган мулоқотнинг аҳамиятини камайтирадими, ахир?

Эҳтимолки, бунинг биронбир маънода ўз афзалликлари ҳам бордир, деб ўйлайман. Шу кунларда бўлиб ўтган суҳбатлар ва учрашувларни Президент жаноблари сизларга таърифлаб айтган гаплар ҳам шу хулосани тасдиқлайди — Франциянинг бошқа сиёсий арбоблари билан ўтказилган суҳбатлар ҳақида гапирмаганда ҳам, биз Президент билан уч марта яккама-якка учрашдик. Менинг бу гапим Президентнинг фикри билан бир жойдан чиққанлиги жуда муҳимдир. Совет Иттифоқи ва Франция раҳбарлари ҳар бири ўз реал вазиятида туриб мавжуд тафовутлардан устун бўла олдилар ва дунёда содир бўлаётган жараёнларни таҳлил этишга, ўз мулоҳазаларини таққослашга, дунёдаги воқеалар ва халқаро вазият яхшилик сари ўзгариши учун Совет Иттифоқи билан Франция қандай ҳисса қўша олиши хусусида фикрлашиб олишга муваффақ бўлдилар. Бу эса Совет раҳбарлари ҳам, Франция раҳбарлари ҳам тинчлик тақдири учун зўр масъулиятни сезаётганларидан далолат беради, деб ўйлайман. Бу эса мулоқот ўтказиш ва дунёдаги вазиятни соғломлаштириш йўлида биргаликда ёки баб-баравар ҳаракат қилиш йўлларини белгилаб олиш учун жуда муҳим, деб ўйлайман.

Умуман, биз шу кунларда Президент Ф. Миттеран билан, Франциянинг бошқа давлат ва сиёсат арбоблари билан бўлиб ўтган суҳбатларни юксак баҳолаймиз. Бу — мазмундор суҳбатлар бўлди, улар амалий руҳда ўтди. Моҳият эътибори билан бу суҳбатлар ошкора шаклда, ўзаро ҳурмат ва хайрихоҳлик руҳида ўтди.

Президент бўлиб ўтган суҳбатларнинг мавзуларига тўхталиб ўтди. Ҳозирги хатарли халқаро вазиятнинг энг қалтис муаммолари суҳбатларимизнинг марказида бўлди. Икки ўртада бир қанча конкрет масалалар хусусида тафовутлар борлиги мутлақо тушунарли. Бироқ вазиятни соғломлаштириш ва халқларнинг боши узра тахлика солиб турган хавф-хатарни йўқотиш учун, воқеаларни муҳолифликдан кескинликни юмшатиш сари буриб юборишга кўмаклашиш учун имкони бўлган ҳамма ишни қилиш зарурлиги бир хил тушунилаётганлиги ҳам аниқланди. Мен учрашувларимиздан Президент ҳам шу нуқтаи назарга амал қилаётганига ишонч ҳосил этдим.

Музокараларимизда «кескинликни юмшатиш» сўзи ўтмишни эслашга берилиб кетганимиз учунгина тилга олинмаганини Президент жаноблари айтиб ўтди. Таъбир жоиз бўлса, буни кескинликни юмшатиш жараёнидан олинган муайян сабоқ дейиш мумкин. Бу жараён нега бир ой бўшашиб, унга путур етиб қолганлигининг сабабларини ҳозир батафсил суриштириб ўтирмаймиз. Агар катта мезонларга қараб фикр юритадиган бўлсак, агар тинчликни сақлаб қолиш проблемаларига зўр масъулият билан қарайдиган бўлсак, кескинликни юмшатишга қайтиш ғоят зарурлигини ҳаммамиз ҳам ҳис этиб турибмиз. Шу муносабат билан бу ерда ҳам, суҳбатларимиз чоғида ҳам кескинликни юмшатиш ҳақида, унга қайтиш бемалол мумкинлиги тўғрисида гапириб ўтилди.

Мислсиз қуролланиш пойгасига қандай қилиб чек қўйиш масалалари суҳбатларимизда асосий мавзу бўлди. Биз Парижда турган пайтимизда Америка Қўшма Штатларининг раҳбарлари олдига қўйган ва Женевадаги музокараларда кўриб чиқилган таклифларимизни Франция Президентига, парламентига, жамоатчилигига, халқига маълум қилдик. Бу масалалар Франция ва Совет Иттифоқи раҳбарларинигина қизиқтириб қолмай, барча халқларни, соғлом фикрли барча сиёсий раҳбарларни, қуролланиш пойгаси, муҳолифлик ва душманлик жазавасига берилмаган ҳамма кишиларни қизиқтирмоқда.

Ҳозир янги таклифларимизни такрорлаб ўтирмайман. Улар сизларга маълум. Фақат шуни айтиб ўтмоқчиманки, икки ўртада жуда асосли равишда ўтказилган фикрлашувдан кейин Франция раҳбарлари, шахсан Президент таклифларимизнинг муҳимлигини, уларнинг амалий потенциалини тушунганликларини изҳор этдилар. Биз шу таклифларни илгари суриш орқали кейинги ойлар мобайнида совет раҳбарлари айтиб келган гапларни рўёбга чиқардик. Космосга зарбдор космик қуроллар чиқарилмаган шароитда Совет Иттифоқи ядро қуролини тубдан қисқартиришга тайёр. Проблеманинг моҳияти мана шундан иборат. Масаланинг шу тарзда қўйилиши Совет Иттифоқи ва Америка Қўшма Штатлари ташқи ишлар министрлари ўртасидаги январь аҳдномасига мос бўлиб тушади.

Женевадаги музокарадошларимиз бир неча ҳафта ва бир неча ой муқаддам, қани ўша туб таклифларингиз, деб айтишган эди. Шу масалалар хусусидаги хабарлар бизга келиб турган эди. Энди биз ўша кимсаларнинг ўзидан, нега ўз таклифларингиз билан шунчалик қистовга олаяпсизлар, деган гапни эшитаяпмиз.

Бу нарса менга Хўжа Насриддиннинг бир саргузаштини эслатади. Айтишларича, у Бухорода эшак миниб бораётганида, қари эшакка ёш йигит мининг олганини ҳали кўз ҳам кўрмаган, қулоқ ҳам эшитмаган эди-ку, дейишибди. Шунда Насриддин эшакдан тушиб уни орқалаб шаҳардан ўтаётганида, буни қаранг, одам эшакни орқалаб олармишми, дейишибди.

Биз конкрет қадамлар қўядиган вақт келди, деб ҳисоблаймиз. Нега? Чунки, энди биз, ҳа, яхшироқ дунё тарафдоримиз; ҳа, халқаро вазиятни нормаллаштириш йўлидан борамиз, деб айтишнинг ўзи камлик қиладиган чизиққа яқинлашиб қолдик. Агар бу гаплар конкерт ишлар билан мустаҳкамланмаса, биз уни сиёсий сафсатабозлик, халқларни алдаш, деб айтамиз.

Совет Иттифоқи илгари ўз ихтиёри билан кўрган чораларга қўшимча равишда биз Женева музокараларига амалий тус бахш этиш учун янги қатъий таклифларни ўртага қўйдик. Агар қуролланиш пойгаси ҳозир тўхтатилмаса дунёнинг келажаги нима бўлишини эҳтимолки биз бошқалардан кўра яхшироқ биламиз, ҳар ҳолда америкаликлардан ёмон билмаймиз. Мана шуни билиш эса бизнинг масъулиятимизни кучайтиради.

Вазият шу қадар кескин бўлиб турган бир пайтда, қуролланиш пойгасининг космос билан боғланган янги босқичи бошланиб кетса, унда биз музокаралар олиб бора оламизми, йўқми, буни билмайман. Музокараларга қандай ёндашмоқ керак, буни ҳамма тушуниб олиши лозим. Дарвоқе, матбуот ҳам ҳозирги халқаро ишлардаги даврнинг жиддийлигини тушуниш даражасига кўтарилиши керак. Сиз, журналистлар редакторларга ва нашриятларингизни пул билан таъминлаб турган кишиларгагина хизмат қилиб қолмайсизлар, сизлар, аввало, халқларга хизмат қилишингиз лозим. Бир жойда тўхтаб, ниҳоят, мияни ишга солиб, қаерда турганимизни бир ўйлаб олиб, шундан кейин ҳаракат қилиш, конкрет қадамлар қўйиш умумий талаб бўлиб қолди. Биз Совет Иттифоқида ҳозирги талабни шундай тушуняпмиз, уни шундай ҳис қиляпмиз. Бу — содда формула, содда фикр бўлса ҳам, аммо биз унда ўз халқининг тақдири учун, бошқа халқларнинг тақдири учун масъулият туйғуси бор, деб ҳисоблаймиз. Бунда таклиф, амалий изланиш бор. Биз шундай қилишга тайёрмиз.

СССР ташқи ишлар министрининг АҚШ Президенти Рейган ва давлат секретари Шульц билан ўтказган учрашувлари якунларидан менга маълум бўлган гаплар муайян даражада умид уйғотади. Энди биз одатдагидек: «Йўқ, бу пропаганда», деган сийқа жавобни эшитмадик.

Менинг назаримда, Америка Қўшма Штатларининг афкор оммасида, сиёсий доираларида ва конгрессида сергак, реалистик фикрлар етилмоқда. Қўшма Штатлар номидан гапиришим қийинлиги табиий. Аммо биз музокараларнинг янги давраси бошланган ва бизнинг таклифларимиз столга қўйилган Женевада ҳам, Президент Рейган билан бўлажак учрашувда ҳам АҚШ бу проблемага жиддий масъулият билан ёндашади, деб умид қиламиз. Шу маънода мен Миттеран жанобларининг Совет Иттифоқи билан АҚШга бевосита тааллуқли проблемалар борлиги ва музокаралар жараёнини қотиб қолган нуқтадан нормаллашув тарафга силжитиб юбориш кераклиги хусусидаги фикрига қўшиламан.

Совет Иттифоқида дунёдаги вазиятни ўзгартиришга жиддий аҳд қилинган.

Биз Париждаги музокараларда ўртача олислик ракеталари проблемаси устида ҳам гаплашиб олдик. Бу масалани ҳам биз мужмаллик ҳолатидан чиқариб олишни истаймиз. Америка томони ҳам бу масалани Женевада муҳокама қилмоқда. Ғарбий Европада «Першинглар» ва қанотли ракеталар жойлаштирилаётганлиги фактдир.

Биз ўз позициямизни ривожлантириб ўртача олислик ракеталари тўғрисида янги таклифлар киритдик. Шу таклифларимиз миқдори АҚШнинг шу региондаги тегишли потенциалига тенгдир, ундан кўп ҳам, оз ҳам эмас. Агар АҚШ бу потенциални кўпайтирмаса, биз ҳам кўпайтирмаймиз. Агар вазият яхшилик сари ўзгарадиган бўлса, биз ҳам шунга яраша иш кўрамиз.

Президент билан биз Европа хавфсизлиги масалаларига кўп вақт бағишладик. Бу соҳада Франция билан биргаликда куч-ғайрат сарфлаш тажрибамиз бор. Шу тажриба ҳамкорликнинг салмоқли потенциалини орттириш имконини берганлиги маълум. Шу тажрибадан фойдаланиб, Хельсинки аҳдномаларига асосланувчи Европа жараёнини давом эттириш, унга янада кўпроқ мазмун бахш этиш мумкин.

Кеча мен парламентда сўзлаган нутқимда шу проблемаларнинг бутун комплекси хусусидаги позициямизни баён этиб бердим. Мен уни такрорламоқчи эмасман. Менимча, ишнинг моҳияти шундан иборатки, иккала томон — СССР билан Франция Умумевропа жараёнини ривожлантириш ва чуқурлаштириш ихлосмандлари бўлиб қолмоқдалар, бу ҳақда Президент жаноблари яна бир бор гапирди. Франция каби биз ҳам Хельсинки акти қоидаларининг ҳамма қисмларини бажариш тарафдоримиз, Европа қитъасидаги вазиятни соғломлаштириш бутун дунё учун жуда катта аҳамиятга эга бўлишига менинг ишончим комил. Европада ҳарбий сиёсий гуруҳлар бевосита бақамти бўлиб турибди. Бу қитъанинг халқлари ўз тарихидан муҳим сабоқлар чиқариб олганлар. Хельсинкидаги кенгашдан кейин ҳамкорлик ва хавфсизлик йўлидан олға бориш имконини берадиган ҳуқуқий асос ҳам бор.

Ўз вақтида СССР билан Франция Стокгольм конференциясининг ташаббускорларидан бўлган эдилар. Бу конференцияни ҳадномалар ишлаб чиқиш сари қатъийроқ буриб юбориш пайти келди, деб ҳисоблаймиз. Дарвоқе, бизнинг англашимизча, Франциянинг фикрига кўра ҳам, у ерда ўзаро мақбул қарорларга келиш йўлларини активроқ қидириш имконияти бор.

Биз Президент Миттеран билан суҳбатларда бир қанча регионал проблемаларни ва мавжуд кескинлик манбаларини кўриб чиқишга муносиб эътибор бердик. Шу проблемалардан баъзиларини баҳолашда ўртамизда ҳамжиҳатлик бор. Бошқаларини анализ қилишда ҳам, уларга ёндашишда ҳам тафовут мавжуд. Аммо шу кескинлик ўчоқларидаги ўтни ҳар бир мамлакатнинг мустақиллиги ва суверенитетини тўла ҳурмат қилиб, сиёсий воситалар билан ўчириш керак, деган бир фикрга келдик. Мана шу фикрлашув доирасида биз Африка жанубидаги, Яқин Шарқдаги, Марказий Америкадаги вазиятни ва бошқа проблемаларни кўриб чиқдик.

Биз Парижга икки томонлама совет-француз муносабатларига янги омил бахш этиш истаги билан келдик. Президентнинг позицияси ҳам бизнинг шу муддаомизга мос келишини тушундим. Шу масалаларни муҳокама қилиш натижалари СССР билан Франция ўртасидаги сиёсий мулоқотни активлаштириш, иқтисодий ҳамкорликни ва савдо-сотиқни кучайтиришга умид қилиш имконини беради.

Кейинги йилларда иқтисодий ва савдо алоқаларини ривожлантириш суръатлари жадаллашганини, бу алоқалар икки баравар ошганлигини биз ижобий баҳолаймиз. Аммо ҳозирги даража мамлакатларимизнинг имкониятларига миқёсларига мувофиқ эмас. Шу сабабли биз изланишларни активлаштириш, савдо-иқтисодий ҳамкорлик соҳасидаги муносабатларимизга кўпроқ ташаббускорлик бахш этиш тўғрисида келишиб олдик. Шу масалалар юзасидан ҳозиргина битим имзоланди.

Кўпгина конкрет, қизиқарли лойиҳалар, жумладан, бир неча йирик лойиҳалар ҳам пайдо бўлди. Биз ўз томонимиздан буни табриклаймиз. Бу ҳам умумий вазиятни соғломлаштиришга кўмаклашади, деб ўйлаймиз.

Боя таъкидлаб ўтганимдек, биз сиёсий мулоқотни кучайтириш ҳақида шартлашиб олдик. СССР Олий Совети Президиуми номидан мен Президентни мамлакатимизга ташриф буюришга таклиф қилдим. У Совет Иттифоқида азиз меҳмон бўлади. Визитлар ўртасидаги танаффуслар қисқароқ бўлса, проблемалар ҳам, эҳтимол, камроқ бўлар. Биз шундай бир ғоя устида ҳам фикрлашиб олдик: «Токамак» деб аталган лойиҳа бор. Термоядрони синтез қиладиган мана шу лойиҳани ишлаб чиқишда Совет Иттифоқи, Франция, Қўшма Штатлар, Япония ва бошқа мамлакатлар қатнашган. Ҳозирги вазиятда шу лойиҳани биргаликдаги куч-ғайратлар билан амалга ошириб, тадқиқотларимизни аслида битмас-туганмас энергия манбаини ҳосил қилиш йўлига олиб чиқиш имкониятини берса бўлмасмикин, деган масала устида ўйлаб кўриш мароқли бўлур эди. Бу — жозибадор ғоя. Бу — тинч ғоя эканини эътиборга олиб, уни ўз вақтида амалга ошириш ўринли бўлур эди, акс ҳолда кимдир бошқа бир ғояни кўтариб чиқиши мумкин. Мутахассисларимизнинг менга айтишларича, бизнинг бу таклифимизни рўёбга чиқариш учун реал умидлар бор.

Умуман, бизнинг назаримизда, музокараларимизнинг якунлари ижобий бўлибгина қолмай, ҳатто мен бу якунларни салмоқли, деган бўлур эдим. Музокараларнинг якунлари совет ва француз халқларининг манфаатларига, Европа ва халқаро хавфсизликнинг кенг манфаатларига хизмат қилади.

Сўзимнинг охирида, шу фурсатдан фойдаланиб, меҳмондўстлик учун, мамлакатимизга ва бутун совет халқига нисбатан изҳор этилган меҳр-муҳаббат ва ҳурмат туйғулари учун Президент Ф. Миттеранга, Франция ҳукуматига, сиёсат ва жамоат арбобларига, барча аёл ва эркак французларга, шу кунларда биз учрашган барча кишиларга миннатдорчилик изҳор этаман.

Матбуот конференциясининг охирида М. С. Горбачев билан Ф. Миттеран мухбирларнинг кўпгина саволларига жавоб қайтардилар.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ БОШ СЕКРЕТАРИ М. С. ГОРБАЧЕВНИНГ ЖАВОБЛАРИ ЭЪЛОН ҚИЛИНДИ

ВАШИНГТОН. (ТАСС). АҚШ конгрессининг «Конгрешнл рекорд» расмий вестнигида КПСС Марказий Комитети Бош секретари М. С. Горбачевнинг Америкадаги «Тайм» журнали саволларига қайтарган жавоблари тўла тексти эълон қилинди.

«М. С. Горбачев «Тайм» журналининг Совет — Америка муносабатлари ва олий даражада ўтказиладиган учрашувлари проблемалари хусусидаги саволларига муҳим ва ёрқин жавоблар қайтарди», деб таъкидлади шу ҳужжатнинг «Конгрешнл рекорд» вестнигида эълон қилинишини таклиф этган демократ П. Саймон сенатда сўзлаган нутқида. Совет раҳбарининг жавоблари, деб ўқтирди у, АҚШ «конгресси ва маъмуриятида синчиклаб ўрганилишга сазовордир», чунки у Совет Иттифоқининг ҳозирги замон асосий масалалари хусусидаги позициясини ифодалайди. Бундай савол-жавоблар «ҳар куни ўтказилавермайди», шу сабабли «Америка сиёсатини ишлаб чиқувчи кишилар уни ўрганишлари ва муҳокама қилишлари керак», — деди сенатор.

КРЕМЛДА СУҲБАТ

СССР Министрлар Советининг Раиси Н. И. Рижков 4 октябрь куни Кремлда Австрия вице-канцлери, савдо, ҳунармандчилик ва саноат федерал министри Н. Штегерни қабул қилди. Н. Штегер иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорлик масалалари билан шуғулланувчи аралаш Совет — Австрия комиссиясининг навбатдаги сессияси ўтказилиши муносабати билан Москвага келган эди.

Суҳбат чоғида Совет — Австрия муносабатларининг аҳволи ва у турли соҳаларда ривожланиб бораётганлигидан мамнуният изҳор қилинди. Бу муносабатлар 1955 йилги давлат шартномасининг ва Австриянинг доимий бетарафлиги тўғрисидаги қонуннинг мустаҳкам принципларига таянади. Актив сиёсий мулоқотлар ҳар томонлама Совет — Австрия ҳамкорлигининг муҳим омилидир. Бундай мулоқотлар СССР билан Австрия ўртасидаги муносабатларда мавжуд бўлган дўстона, амалий муҳитни мустаҳкамлаб, бу муносабатларга зарур жўшқинлик бахш этади.

Н. И. Рижков суҳбатда КПСС Марказий Комитети Бош секретари М. С. Горбачев Франция парламенти аъзолари билан учрашувда олға сурган янги тинчлик ташаббусларининг муҳим аҳамиятга эга эканлигини таъкидлади. Ядровий қуролланиш пойгасини тўхтатишга ва қурол-яроғлар даражасини кескин пасайтиришга, космосда қуролланиш пойгасининг олдини олишга қаратилган совет таклифларининг амалга оширилиши халқлар хавфсизлигини мустаҳкамлашга кўмаклашган ҳамда халқаро муносабатларни ривожланиришда тинчлик манфаатлари йўлидаги чинакам бурилишга олиб келган бўлур эди.

Суҳбат қатнашчилари ҳозирги мураккаб ва кескин халқаро вазиятда Совет — Австрия амалий ҳамкорлиги умумевропа жараёнига барқарор қилувчи ижобий таъсир ўтказиб, турли ижтимоий тузумдаги давлатларнинг тинч-тотув яшаш сиёсатини муваффақиятли равишда амалга оширишнинг яхши намунаси бўлиб хизмат қилмоқда, деган умумий фикрни билдирдилар.

Совет — Австрия иқтисодий ҳамкорлиги ўзаро манфаатли ва истиқболли эканлиги қайд этиб ўтилди. Ҳар иккала томоннинг қатъий ишончига кўра, иқтисодий, илмий-техникавий ва саноат ҳамкорлигини ривожлантириш ҳамда чуқурлаштириш узоқ муддатли программасини кенгайтириш ва унинг амал қилиш муддатини 1995 йилгача чўзиш тўғрисида, шунингдек ҳукуматлараро бошқа икки битимнинг амал қилиш муддатини узайтириш ҳақида 4 октябрь куни имзоланган ҳужжатлар амалий алоқаларни янада активлаштиришга самарали таъсир ўтказади. Шу муносабат билан иккала мамлакат ўртасида хўжалик алоқаларини интенсивлаш ва унинг бутун комплексини такомиллаштириш ишида аралаш Совет — Австрия иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорлик комиссияси актив роль ўйнаётганлиги таъкидланди.

Суҳбат амалий ва дўстона вазиятда ўтди.

(ТАСС).

ОКТЯБРЬ ДОҲИЙСИГА БАҒИШЛАБ

3 октябрда В. И. Ленин Марказий музейининг Ульяновск филиалида очилган тарихий-ҳужжатли ва китоб виставкасига «Владимир Ильич Ленин ва Франция» мавзу қилиб олинган. Экспозиция КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг аъзоси М. С. Горбачевнинг Францияга қилган расмий визитига бағишлаб очилди.

Юзтадан кўп нодир ҳужжатлар, ҳар хил нашрлар, Владимир Ильичнинг чор реакцияси қутурган даврдаги фаолиятини кўрсатади. У 1908 йилдан 1912 йилгача Сена дарёси соҳилларида яшаб, ўша ердан туриб Россия пролетариатини чоризмга қарши курашга тайёрлаган эди. Экспонатлар орасида Ленининг Франциядаги қадамжолари картасига марказий ўрин берилган. Россияда пролетариат революцияси ғалаба қозонганидан кейин кўп ўтмай доҳийнинг француз тилида нашр этилган брошюралари ва китоблари зўр қизиқишга сазовордир.

В. И. Ленининг 1922 йилда: «Франция билан ҳар қандай яқинлашиш биз учун ниҳоятда мақбулдир...» деб айтган сўзлари виставкага эпиграф қилиб олинган. М. С. Горбачевнинг Франция телевидениеси орқали сўзлаган нутқи тексти эълон қилинган «Правда» газетаси экспозицияга киритилган.

(ТАСС).

ОТАШИН ҲАЁТ САҲИФАЛАРИ

Франция халқи билан совет халқи ўртасидаги, ФКП билан КПСС ўртасидаги дўстликни мустаҳкамлашга бебаҳо ҳисса қўшган Франция ва Халқаро коммунистик ҳаракатининг таниқли арбоби Жак Дюкло эсдаликлари иккинчи томининг иккинчи нашри босилиб чиқди. Эсдаликларда Франция Коммунистик партияси раҳбарларидан бирининг 1945 йилдан 1953 йилгача бўлган даврдаги ҳаёти ва кураши тўғрисида ҳикоя қилинади.

Китобни Сиёсий адабиёт нашриёти босиб чиқарди.

(ТАСС).

СССР Олий Совети Президиумида суҳбат

4 октябрь куни КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси А. А. Громико Кремлда Жаҳон касаба союзлари федерацияси (ЖКСФ) раҳбарларини қабул қилди. Улар мазкур халқаро ташкилот Бош кенгашининг Москвада 37-сессияси ўтказилиши муносабати билан СССРга келган эдилар. Учрашув қатнашчилари орасида ЖКСФ раиси Ш. Гашпар, ЖКСФ Бош секретари И. Закария, бошқа раҳбарлар бор.

А. А. Громико меҳнаткашларнинг мана шу энг катта халқаро бирлашмаси раҳбар арбобларини ишчилар ҳаракати тарихидаги шонли сана — Жаҳон касаба союзлари федерацияси ташкил этилганлигининг 40 йиллиги билан самимий табриклади. М. С. Горбачевнинг ЖКСФ Бош кенгашига йўллаган табрикномасида айтиб ўтилганидек, жаҳон ишчилар ҳаракати гитлерчилар фашизми тор-мор этилганлиги ва иккинчи жаҳон уруши ғолибона тугаганлиги натижасида жаҳон ишчилар ҳаракати юксалган вазиятда юзага келган жаҳон касаба союзлари федерацияси катта ва шонли йўлни босиб ўтиб, меҳнаткашларни жипслаштириш ишига муҳим ҳисса қўшди.

У ҳозирги замоннинг кўпгина энг муҳим проблемаларини ҳал этишда меҳнаткашлар ва уларнинг халқаро ташкилоти катта роль ўйнаётганлигини уқтириб, Совет Иттифоқи инсоннинг яшашга бўлган муқаддас ҳуқуқи сўзсиз ҳурмат қилиниши учун қатъий курашмоқда, деди. СССРнинг сиёсати ялпи ва тўла қуролсизланишгача қурол-яроғларни қисқартиришга қаратилган сиёсатдир.

А. А. Громико Жаҳон касаба союзлари федерациясининг раҳбар арбобларини (улар айни вақтда ўз мамлакатларидаги касаба союз марказларининг раҳбарларидир) СССРнинг кейинги вақтдаги катта тинчлик ташаббуслари билан таништирди. Чунончи, Совет Иттифоқи Европада ўртача олислик ракеталарини бундан буён жойлаштиришни ихтиёрий равишда тўхтатиб қўйди ва АҚШни худди шундай иш тутишга даъват этди, Совет Иттифоқи барча ядро портлатишларни тўхтатиб қўйди, ва АҚШни шундай иш тутишга даъват этди. Совет давлати Марказий Европада иккала томоннинг қуролли кучлари ва қурол-яроғларни қисқартиришга киришишни ҳамда бу ишни Совет ва Америка қўшинларини қисқартиришдан бошлашни таклиф этди. Бунда у америкаликларга қараганда кўпроқ қўшинни камайтиришга тайёр эканлигини билдирди. Космосга келганда ундан фақат тинчлик мақсадларида фойдаланиш ва уни тинч мақсадларда ўзлаштириш соҳасида халқаро ҳамкорлик қилиш таклиф этилди.

А. А. Громико Совет Иттифоқининг яқинда М. С. Горбачев Франция Парламенти аъзолари хузурида сўзлаган нутқида баён этиб берган янги таклифлари амалда ғоят муҳим таклифлар эканлигига алоҳида эътиборни жалб этди. Бунда гап СССР билан АҚШ биринчидан, иккала томон зарбдор космик қуролларни батамом тақиқлаш ва бир-бирларининг территориясига етиб борадиган ядро қуролларини 50 процент қисқартириш тўғрисида аҳдлашиб олиш ҳақида боряпти. Иккинчидан, Совет Иттифоқи Европадаги ўртача олислик ядро воситаларини қисқартириш тўғрисида космик ва стратегик ядро қуроллари проблемаси билан бевосита боғлиқ бўлмаган ҳолда алоҳида битим тузишга тайёрдир. Учинчидан, СССР кейинги вақтда Европа зонасидаги ракета потенциалини камайтирди ва АҚШ ҳам Европа қитъасида ўзининг ўртача олисликдаги ракеталарини бундан буён жойлаштиришни тўхтатади, деб ўйлашга ҳақлидир.

Бунга Совет Иттифоқининг химиявий қуролни тарқатмаслик тўғрисидаги халқаро битимни ишлаб чиқиш ва Европа марказида шундай қуролдан ҳоли бўлган зонани вужудга келтириш тўғрисидаги таклифини қўшимча қилиш мумкин.

Шулар ва бошқа масалалар, шубҳасиз, СССР билан АҚШ ўртасида ноябрь ойида бўладиган олий даражадаги учрашув чоғида диққат марказида туради. ЖКСФ раҳбарлари юз миллионлаб меҳнаткашлар номидан, федерацияга кирган касаба союзлар номидан ана шу учрашувга муваффақиятлар тиладилар.

А. А. Громико кескинликни юмшатишга қайтиш, қуролсизланиш, қуролланиш пойгасига сарфланаётган потенциалдан тинч мақсадларда фойдаланиш касаба союзларнинг туб манфаатларига объектив равишда мос бўлиб тушишини таъкидлади. Буларнинг ҳаммаси ишсизликни камайтириш, очлик, саводсизликни тугатиш, янги халқаро иқтисодий тартиб ўрнатиш сингари ҳозирги замоннинг ўткир проблемаларини ҳал этишга ёрдам берган бўлур эди. Ўз сафларида юз миллионлаб меҳнаткашларни бирлаштирган халқаро касаба союз ҳаракати мана шу олижаноб мақсадларга эришишга салмоқли ҳисса қўшиши керак.

Совет халқи Коммунистик партия раҳбарлигида иқтисодий ва социал ривожланишнинг улуғвор вазифаларини ҳал этаётганлиги ва КПССнинг XXVII съездини муносиб кутиб олишга ҳозирлик кўраётганлиги тўғрисида ЖКСФ раҳбарларига ахборот берилди.

Ш. Гашпар ва федерациянинг турли қитъалардаги касаба союзлар вакиллари бўлган бошқа раҳбарлари СССРнинг тинчликсевар ташқи сиёсат йўлини, унинг озодлик, демократия ва социал тараққиёт идеаллари учун изчил кураш олиб бораётганлигини тўла қўллаб-қувватлаётганликларини изҳор қилдилар.

ЖКСФ раҳбарлари федерация Бош кенгашининг Москвада бўлиб ўтган 37-сессияси якунлари тўғрисида, шунингдек, касаба союзларнинг XI Жаҳон конгрессига қандай тайёргарлик кўрилаётганлиги ҳақида батафсил гапириб бердилар.

Суҳбатда ВЦСПС раиси С. А. Шалаев, бошқа расмий кишилар ҳозир бўлдилар.

(ТАСС).

ЎЗБЕКИСТОН БИЛАН ТАНИШУВ

Афғонистон Демократик Республикаси элатлари ва қабилаларининг обрўли намояндаларидан бир группаси Ўзбекистон ҳаёти билан танишмоқда.

Меҳмонлар В. И. Ленин Марказий музейи Тошкент филиалида, Ўзбекистон ССР Халқ хўжалиги ютуқлари виставкасида, республика Фанлар академияси Шарқшунослик институтида бўлдилар, Тошкентнинг диққатга сазовор жойлари ва янги қурилиш районларини кўздан кечирдилар. Улар 4 октябрь куни Чет мамлакатлар билан дўстлик ва маданий алоқалар Ўзбекистон жамиятининг активлари билан учрашдилар.

Ташриф программасига мувофиқ, Фарғона водийсининг шаҳар ва қишлоқлари бўйлаб сафар қилинади, ишчилар ҳамда колхозчиларнинг меҳнат ва турмуш шароитлари билан танишилади.

(ЎзТАГ).

ГДР БАЙРАМИ ШАРАФИГА

Тошкент жамоатчилиги Германия Демократик Республикаси ташкил этилганлигиннг 36 йиллигини тантанали нишонлади. Шу санага бағишлаб ўтказилган йиғилишда ишчилар, фан, маданият намояндалари, студентлар, чет мамлакатлар билан дўстлик ва маданий алоқа жамияти активлари қатнашди.

Сўзга чиққан нотиқлар гитлерчилар фашизми устидан қозонилган ғалаба натижасида немислар диёрида социалистик давлат бунёдга келганлиги ҳақида гапирдилар. Бу ғалабага Совет Иттифоқи ҳал қилувчи ҳисса қўшди. ГДРнинг Совет Иттифоқи, хусусан Ўзбекистон билан ҳамкорлиги йил сайин мустаҳкамланиб бормоқда. Дўст мамлакатга республикамиздан пахта толаси жўнатилмоқда, саноат маҳсулотини айирбошлаш тобора кўпаймоқда. Йиғилишда Ўзбекистон билан Германия Демократик Республикаси ўртасидаги дўстона алоқалар бундан буён ҳам муттасил кенгайиб боради, деб ишонч билдирилди.

(ЎзТАГ).

МУСОБАҚА ҒОЛИБЛАРИГА — БАЙРОҚЛАР

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Ўзбекистон касаба союзлари республика Совети ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети давлатга мева-сабзавот маҳсулотлари сотиш юзасидан областлар, районлар, колхозлар ва совхозлар ўртасидаги социалистик мусобақанинг 1985 йил 1 октябрга бўлган якунларини кўриб чиқдилар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Ўзбекистон касаба союзлари республика Совети ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғи **Самарқанд областида** қолдирилди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Ўзбекистон касаба союзлари республика Совети ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроқлари қуйидагиларга берилди:

Жиззах области, Самарқанд областининг Булунғур райони,

Қашқадарё областининг Китоб райони,

Наманган областининг Янгиқўрғон райони,

Қашқадарё мева-сабзавот маҳсулотлари ишлаб чиқариш аграр-саноат бирлашмасига қарашли Навоий номли совхоз,

Наманган мева-сабзавот маҳсулотлари ишлаб чиқариш аграр-саноат бирлашмасига қарашли «Ленинизм» совхози,

Сурхондарё область Жарқўрғон районидаги «Сурхон» совхози,

Фарғона область Олтиариқ районидаги Охунбобоев номли колхоз.

БУГУН — ЎҚИТУВЧИЛАР КУНИ

Байрамга бағишлаб

Советлар мамлакатида халқ маорифи ходимлари муносиб иззат ва ҳурматга сазовор. Умумий таълим ва ҳунар мактаби ислоҳ қилиниши муносабати билан ёш авлодни коммунистик руҳда тарбиялашда ўқитувчиларнинг роли янада ошди. Ҳар йили профессионал байрам — Ўқитувчилар куни Ўзбекистон меҳнаткашлари барча совет кишилари билан биргаликда педагогларни шарафлайдилар. Шаҳар ва қишлоқларда бўлиб ўтаётган йиғилишларда ўқитувчиларнинг олижаноб меҳнати, уларнинг партия ва халқ олдидаги хизматлари, ёш авлодни маънавий камол топтириш ишига қўшаётган бебаҳо ҳиссаси ҳақида гапирилмоқда. Республикада халқ маорифи гуркираб равнақ топаётганлиги КПСС ленинча миллий сиёсати тантанасининг яққол далили эканлиги таъкидланмоқда.

Ўқитувчилар куни арафасида Ўзбекистон ССР Халқ хўжалиги ютуқлари виставкасида ўтказилган тантанали йиғилишда олимлар, халқ маорифи ходимлари, меҳнаткашларнинг намояндалари қатнашдилар. Ўзбекистон ССР маориф министри О. С. Аббосова доклад қилди.

Йиғилишда мактаб ислоҳоти қоидаларини амалга ошириш жараёнида халқ маорифи ходимлари ҳал этиши лозим бўлган катта вазифалар ҳақида гаплашиб олинди. Мактаб ўқувчилари ва уларнинг ота-оналари ўқитувчиларни самимий табрикладилар.

Йиғилишда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари Р. Ҳ. Абдуллаева қатнашди.

(ЎзТАГ)

Суратда: давра суҳбати қатнашчилари [чапдан ўнгга] Э. Галикеев, Т. Каримов, Л. Саидова, М. Галяутдинов, В. Серков, Р. Ҳусанов. В. Молгачев фотоси.

БИЗНИНГ СПРАВКА

● Шу ўқув йилида республикамизда 7646 умумий таълим мактаби, шу жумладан, 85 та янги мактаб иш бошлади. Уларда 4 миллиондан ортиқ ўқувчи таълим олмоқда.

● Бугунги кунда мактабларимизда ёш авлодга таълим ва тарбия бериш билан 250 мингдан ортиқ ўқитувчи машғул. Ҳар ўн ўқитувчидан еттитаси қишлоқ мактабларида ишламоқда.

● Ўзбекистондаги 14 педагогика институти, учта университет ва 38 педагогика билим юрти мактабларимиз учун ҳар йили 19 минг малакали педагог кадр етказиб беради. РСФСР ва Украина олий ўқув юртларига Ўзбекистондан шу йилнинг ўзида 900 йигит-қиз қабул қилинди; улар рус тили ўқитувчиси бўлиб қайтадилар.

● Республикамиздаги 640 дан ортиқ мактабларарО ўқув-ишлаб чиқариш комбинатида 9-10-синф ўқувчиларига 170 га яқин касб сирлари ўргатилмоқда.

ТАРБИЯНИНГ ОЛТИН КАЛИТИ

Мамлакатимиз ўз истиқболининг ёрқин режалари — умумий таълим ва ҳунар мактабини ислоҳ қилишнинг асосий йўналишларини белгилаб олиб, уларни изчил амалга оширмоқда. Мактаб ислоҳоти ёшларга таълим ва тарбия беришни, уларни касб танлашга ўргатишни тубдан яхшилашга қаратилган. Ҳадемай, ўн етти ёшли йигит ва қизлар учун ўрта маълумот олиш билан бирга ҳунарли, муайян касб эгаси бўлиб етишиш оддий, одатий гап бўлиб қолади. Ёш авлоднинг билим ва умумий маданияти, касб малакаси ҳамда гражданлик етуклиги даражасини кўтаришда олтин калит — меҳнат тарбиясининг роли катта.

Мактаб ислоҳоти талаблари асосида бу борада нималар қилинди, ҳал этилиши лозим бўлган қандай проблемалар бор? «Совет Ўзбекистони» газетаси редакцияси халқ маорифи, ҳунар-техника таълими ҳамда хўжалик органлари вакиллари иштирокида ана шу ҳақда давра суҳбати ўтказди.

Базавий корхона раҳбари: — Ўғилдир, қиздир, ёшликдан меҳнатга меҳр қўйгани, бирон ҳунарнинг бошини тутгани маъқул, — деди Тошкент асбобсозлик заводининг директори М. Галяутдинов. — Меҳнат таълими мана, ислоҳот туфайли мактаб ҳаётидан ўз ўрнини топди. Ўқувчи ёшларнинг тарбиясига эндиликда меҳнат коллективлари ҳам бевосита дахлдор бўлиб қолдилар. Ислоҳот талаблари асосида, жумладан, бизда ҳам талайгина ишлар амалга оширилди.

Киров районининг мактабларарО ўқув-ишлаб чиқариш комбинатида алоҳида участка ташкил этдик. Махсус пармалаш станоклари, турли дастгоҳлар ўрнатилди, ҳом ашё етказиб беряпмиз. Бу ерда қилинаётган ишлар заводимиз ишлаб чиқариш программасига киритилган. Болалар ўз меҳнатларининг пировард натижасини кузатиб бормоқда.

Биз олтита мактаб билан ҳамкорлик шартномаси тузганмиз. Ота-оналар билан суҳбат, ўқувчиларнинг ишлаб чиқариш илғорлари билан учрашувларини ўтказиш анъана бўлиб қолди. Махсус касбга йўналтириш кабинети, оталиқдаги мактабларда эса шу мақсадда стендлар жиҳозланганмиз.

Бундан ташқари, завод кенг истеъмол товарлари ишлаб чиқариш цехида ўқувчилар учун 25 ўринли участка ташкил этган. Бу ерда саккизта мактабдан келган ўқувчилар тажрибали ишчи-мураббийлар раҳбарлигида ўйинчоқлар, тоқкайчи, ҳар хил болалар наборлари тайёрлашмоқда.

Яна бир янгилик. Ўтган каникул даврида юқори синф ўқувчиларини вақтинча ишга қабул қилдик. Уларга катталар қатори разряд бериб, ҳақ тўланадиган бўлди. Биринчи маош муносабати билан ўтказилган тантанали маросимга маориф ходимлари, ота-оналарни таклиф этдик. Бундан икки тарафлама фойда кўрилди. Аввало, болалар ҳақиқий ишчи нонининг таъмини татидилар. Қолаверса, отпускага чиққан асосий ишчиларимизнинг ўрни билинмади.

Бу борада ҳал этилиши лозим бўлган муаммолар ҳам бор. Ҳозирги вақтда кўпгина мактабларда меҳнат дарсида оддий асбоблар етишмайди. Биз эса бутун республика мактаблари учун, жумладан, слесарлик асбоблари тўпламини тайёрлаб беришимиз мумкин. Унинг намуна нусхалари тайёр. Республика Маориф министрлиги маъқуллаб, буюртма берса бас.

Ўқитувчи: — Ислоҳот режаларини амалга ошириш ҳар бир совет ўқитувчисининг муҳим ва шарафли вазифасидир, — деди Акмал Икромов районидаги 81-мактабнинг математика ўқитувчиси Т. Каримов. — Мактаб ёш авлодни камолотга етказувчи даргоҳ. Ўқувчиларга биринчи синфдан бошлаб меҳнат кўникмасини сингдира бориш уларни юқори синфларга чиққанда касбга йўналтиришни осонлаштиради. Мана ўзимиздан қиёс. Ўқувчилик давримизда, бундай ўйлаб қарасам, физикадан яхши ўқисак ҳам битта симни иккинчисига улай олмасдик. Математикани «5» га билардик, аммо оддий стулчани ясашга келганда уқувимиз етмасди. Мана, илгари шундай камчиликларга чек қўйди. Бинобарин, билимли бўлиб туриб, уни амалиётга боғлай олмасликнинг маъниси йўқ.

Янги ўқув йилидан бошлаб мактаб программаларига информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари дарси киритилди. Келгусида электрон-ҳисоблаш машиналари билан тиллаша олиш кўникмасини ёшлар шу фанни пухта эгаллаш орқали орттирадилар. Лекин мактабларда бу фанни ўқитиш учун шароит етарли эмас. Ўқувчилар сонига қараб, ҳар бир синфни микро калькуляторлар билан таъминлаш зарур.

Синф раҳбари: — Ўқувчиларни касбга йўналтиришда синф раҳбарининг роли жуда катта, — деди Собир Раҳимов районидаги Л. Б. Шастри номли 24-ўрта мактаб рус тили ўқитувчиси В. Серков. — Мунтазам тарбиявий соатлар ўтказиш, ота-оналар билан ишлаш, айниқса, якка-якка суҳбатлар уюштириш ўз самарасини бериши турган гап. Баъзан ўқувчи синф раҳбари таъсирида муайян ихтисосни ўрганишга мойиллик билдиради. Аммо ота-онасининг гапи билан яна фикридан қайтади. Демак, касб ҳақида, меҳнат тарбияси хусусида ота-оналар билан ишлар кўламини кенгайтириш, таъсирчан иш формаларини топиш керак.

Маълумки, янги ўқув йили КПСС XXVII съезди йилидир. Бу ҳол зиммадаги вазифаларни бажаришга янада масъулият билан ёндашишни тақозо этади. Меҳнат таълими билан бир қаторда ислоҳот талабларидан келиб чиқиб, амалга оширишимиз лозим бўлган катта вазифа бор. Бу — рус тилини пухта ўргатиш. Ўрта маълумотли ҳар бир ёшнинг рус тилида эркин сўзлашувига эришиш учун синфдан ташқари ишлар, шу жумладан, тўгараклар ишини кучайтириш керак. Бизда рус тили ҳафталиклари, олимпиада ва конкурслари ўтказиш одат тусига кириб қолган.

Мураббий: — Ҳунар-техника таълими системаси халқ хўжалиги эҳтиёжларига ҳозиржавоблиги билан ажралиб туради, — деди Тошкентдаги 12-ўрта ҳунар-техника билим юрти мураббийси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Р. Ҳусанов. — Тошкент шаҳрининг ўзидагина ҳозир 56 та ҳунар-техника билим юрти ишлаб турибди. Уларда 30 мингдан ортиқ йигит-қиз 160 хил касб сирларини ўрганмоқда. Мен асосан «Главташкентстрой»га қарашли билим юртлари ҳақида тўхталмоқчиман. Очиғини айтиш керак, улардаги аҳвол кўнгилдагидек эмас. Жумладан, ётоқхона биносида ташкил этилган 5-ўрта ҳунар-техника билим юртининг ишлаб чиқариш устахоналари бугунги кун талабига жавоб бермайди, асбоб-ускуналари эски. 6, 31, 35 ва 43-билим юртларида ҳам аҳвол шу.

12-билим юртида бунинг акси: ҳамма шароит мавжуд. Ҳар йили 400-450 ёш қурувчи «Главташкентстрой» бўлинмаларига юборилади. Билим юртида касбга йўналтириш бўйича тарғибот-ташвиқот ишлари яхши йўлга қўйилган. «Очиқ эшиклар куни», ота-оналар билан учрашувлар ўтказиб турилади.

Шу ўринда бир фикрни таъкидлашни истардим. Айрим мактабларда билими ўрта ёки паст ўқувчиларгина ҳунар-техника билим юртида ўқишади, деган нотўғри тушунча бор. Баъзан ўқувчиларга яхши ўқимасанг, билим юртига юборамиз, дейдиганлар ҳам учрайди. Бу ҳол ўқувчиларнинг касб танлашига, меҳнат тарбиясига салбий таъсир кўрсатиши турган гап. Ҳолбуки, бу борада мактаб билан билим юртининг мақсади муштарак.

Илмий бўлим мудири: — Ўқувчиларни касбга йўналтириш, уларда меҳнат кўникмаси ҳосил қилишни биринчи синфдан, ҳатто болалар боғчасиданоқ бошлаш керак, — деди Фрунзе районидаги 73-мактаб илмий бўлим мудири Л. Саидова. — Бунда ўқитувчилар зиммасига катта масъулият юкланган. Мактабимизда бутун қалб қўрини ёш авлод тарбиясига бахшида этаётган ўқитувчилар кўп. М. Жамолова, А. Саидакбаров, Л. Раҳимова, Л. Синельникова, В. Керенидис сингари устоз ўқитувчилар номларини алоҳида тилга олишни истардим.

Ўқитувчи ўзининг профессионал маҳоратини доимо такомиллаштириб бориши лозим. Шу боис стажерларни, ёш ўқитувчилар билан тажрибали муаллимларни ўзимиз ташкил этган мактаб методика кабинетига жалб қилдик. Бу ерда турли мавзудаги стендлар, рус тили, математика, жамиятшунослик, география ва бошқа фанлардан дарс планлари бор. Кабинетни педагогика ва методикага оид адабиётлар билан бойитмоқдамиз. Ёш мутахассисларга тажрибали ўқитувчиларни бириктириб қўйдик.

Айрим мулоҳазалар. Ўзбек тилида методик адабиётлар, қўлланма ва тавсиямолар кам. Ислоҳот базавий корхоналар мактаб олдидаги ўз бурч ва масъулиятларини тўла ҳис этишларини талаб қилади. Шу маънода мактабимизнинг базавий корхонаси деб белгиланган Тошкентдаги 1-пойабзал фабрикаси биз билан шартнома тузишга унча шошилмаётгани қизиқ. Меҳнат тарбияси, бугунги ўқувчи ҳақида ғамхўрлик кўрсатиш билан корхона ўз келажагини таъминлайди-ку, ахир?!

— Мактаб ислоҳоти, хусусан, умумтаълим мактаблари билан ҳунар-техника билим юртлари ўқувчи ёшларининг ижтимоий-фойдали меҳнатини ташкил этиш масалалари тўғрисидаги суҳбатимиз фойдали бўлди, — деди республика маориф министрининг ўринбосари Э. Галикеев давра суҳбатини якунлаб. — Бу борада муайян ишлар амалга оширилди. Энг аввало, меҳнат таълими билан боғлиқ ходимлар ўқувини ташкил этдик. Жумладан, халқ маорифи органлари раҳбарлари, мактабларарО ўқув-ишлаб чиқариш комбинатлари директорлари, меҳнат таълими ўқитувчилари ва методистлари семинар-кенгаши, Фарғона, Бухоро, Тошкент ва Қаршида эса илмий-амалий конференциялар ўтказилди.

Аммо қатор муаммолар ҳам бор. Шулардан бири базавий корхоналарнинг мактаб, мактабларарО ўқув-ишлаб чиқариш комбинати ва ҳунар-техника билим юртлари билан тузадиган шартномалари дир.

Асбобсозлик заводи директори М. Галяутдиновнинг ўқувчилар меҳнатини ташкил этишдаги тажрибага оид сўзларини қизиқиб тингладик. Ислоҳот талабларига давлат нуқтаи назаридан ёндашиш деб шуни айтса бўлади.

Аммо шартномалар асосида қилинаётган ишлар билан танишиш баъзи жойларда унинг номигагина тузилганлигини кўрсатмоқда. Ўқувчилар учун ишчи жойлари барпо этиш, битирувчиларни ишга қабул қилиш, ўқувчиларнинг меҳнатини ташкил этиш, шунингдек, ғоявий-сиёсий тарбия, оммавий-маданий ишлар ва бошқа кўрсаткичлар бундай шартномаларда ё ўз аксини топмаган, ёки номигагина киритилган. Уларда мактабларнинг базавий корхонали олдидаги мажбуриятлари ҳам тўлиқ акс этмаган. Айрим корхона ва ташкилотлар (республика Қурилиш министрлигининг 11-қурилиш трести, Жиззах область Октябрь район агросаноат бирлашмаси) турли баҳоналар билан умуман шартнома тузишни рад этишди.

Қизиғи шундаки, айрим корхоналар ўқувчилар учун иш жойлари ташкил этишни қайси манбалар ҳисобидан таъминлашни билмайдилар. Жиззах областининг бир қанча корхоналарида ўзлари бўйсунадиган министрликнинг шу хусусдаги ҳужжатларини кўрмадик. Ҳолбуки, уларда ўқувчилар учун ишчи ўринлари ташкил этиш топшириқлари белгиланган, бунга ажратиладиган материаллар, асбоб-ускуналар фондлари кўрсатилган бўлиши керак.

Бу камчиликларда халқ маорифи органларининг ҳам муайян айби бор.

Шубҳа йўқки, республика Маориф министрлиги, халқ маорифи органлари, мактаб ва бошқа муассасалар манфаатдор министрлик, идора ва корхоналар билан ҳамкорликда бу камчиликларни тугатиб, ишни мактаб ислоҳоти талаб этган даражада ташкил этадилар. Бунинг учун ҳамма баҳамжиҳат ишлаши керак. Бинобарин, мактаб ислоҳоти умумхалқ ишидир.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумида

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми кўп йиллик самарали ишлаганлиги, шолининг истиқболли навларини етиштиришдаги ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришига жорий этишдаги хизматлари учун ВАСХНИЛ Ўрта Осиё бўлими Ўзбекистон шоли илмий-тадқиқот институтининг бўлим мудири ўрток Полина Абрамовна **Пулинага «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалиги ходими»** фахрий унвони берди.

* * *

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми меҳнатдаги юксак кўрсаткичлари ҳамда янги илғор қурилиш конструкцияларини ўзлаштириш ва жорий қилишга катта ҳисса қўшганлиги, Тошкент шаҳридаги радиотелевизион эшиттириш станциясини қуриш ва ишга туширишда актив қатнашганлиги учун Ўзбекистон ССР Монтаж ва махсус қурилиш ишлари министрлиги «Ташсантехгазмонтаж» трестининг бошқарувчиси Георгий Васильевич **Аванесов** Главташкентстройга қарашли «Висотстрой»нинг 11-қурилиш трести 69-қурилиш бошқармаси дурадгори Григорий Леонтьевич **Захарченко**, СССР Монтаж ва махсус қурилиш ишлари министрлиги «Спецстальконструкция» трестининг 26-монтаж бошқармаси бригадири Василий Иванович **Севостьянов**, Главташкентстройга қарашли «Висотстрой»нинг 11-қурилиш трести 1-қурилиш бошқармасининг ғишт терувчиси Солих **Тожиев**, Главташкентстройга қарашли «Отделстрой» трестининг 28-қурилиш бошқармаси бригадири Рўзи **Тоғаев** ўрток-ларга **«Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган бинокор»**; Ўзбекистон ССР Алоқа министрлиги радиотелевизион объектлар қурилиши дирекциясининг собиқ бошлиғи ўрток Валентин Александрович **Сосинга «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган алоқачи»**, Главташкентстройга қарашли «Промстройкомплект» бирлашмаси тажриба-эксперименталь механика заводининг директори ўрток Борис Семенович **Дехтярга «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган инженер»** фахрий унвонларни берди.

Радиотелевизион минора қурилишида қатнашган ходимлардан катта бир группаси Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотланди.

• ҲОСИЛ — 85

ҲОЗИР ҲАММАМИЗ — ПАХТАКОРМИЗ!

XXVI „ОҚ ОЛТИН" хирмонига

Республика областларида пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисида шу йил 5 октябрга бўлган

МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобида)

Биринчи устун — областлар; иккинчи устун — бир кунда тайёрланган пахта; учинчи устун — мавсум бошидан буён; тўртинчи устун — шу жумладан бир кунда машинада терилган пахта; бешинчи устун — мавсум бошидан буён.

Хоразм	2,54	61,61	1,56	30,85
Фарғона	2,03	61,21	1,89	17,81
Бухоро	1,91	56,28	0,45	11,98
Наманган	1,82	53,60	2,32	33,44
Тошкент	2,44	49,94	2,87	56,15
Андижон	2,07	49,08	2,36	22,79
ҚҚАССР	2,85	47,52	2,51	39,02
Навоий	2,28	45,22	1,81	23,06
Сурхондарё	2,50	43,82	2,93	44,61
Самарқанд	1,94	38,16	1,48	24,26
Қашқадарё	1,88	27,15	1,42	17,38
Жиззах	2,34	23,64	2,85	29,29
Сирдарё	2,80	21,72	3,76	26,58
Республика бўйича:	2,23	44,61	2,17	28,94
Шу жумладан ингичка толали пахта:				
Сурхондарё	4,00	64,92	6,10	69,64
Наманган	1,10	62,48	—	—
Бухоро	1,30	34,36	—	—
Навоий	0,72	20,76	—	—
Қашқадарё	1,25	12,21	0,75	2,82
Республика бўйича:	2,81	44,87	3,83	41,87

XXVI МАТБУОТ МАРКАЗИ ХАБАР ҚИЛАДИ

БУХОРО

Область меҳнаткашлари уруғлик пахта тайёрлаш плани бажарилганлиги ҳақида рапорт бердилар. Давлатга 41600 тонна юқори сифатли «оқ олтин» топширилди. Бу меҳнат муваффақиятига Қоракўл районидаги «Октябрь», Ғиждувон районидаги Ленин номли, Олот районидаги Навоий номли, Бухоро районидаги Усмон Юсупов номли ва «Маданият» колхозларининг заршунослари салмоқли улуш қўшдилар.

* * *

Ғиждувон районида йиғимтерим суръатига суръат қўшилмоқда. Райондаги 20 бригада йиллик планини бажарди. Булар ичида Энгельс номли колхознинг Абдурахмон Ҳайитов бошлиқ бригадаси азаматлари ҳам бор. Улар ҳар гектар ердан 40 центнердан ҳосил олиб, қабул пунктларига 350 тонна хом ашё етказиб бердилар.

Заршунослар ҳосилдорликни 50 центнерга етказиш учун йиғим-теримни уюшқоқлик билан давом эттиришяпти.

САМАРҚАНД

Областда уруғлик пахта тайёрлаш плани адо этилди. Давлатга пландаги 42,6 минг тонна ўрнига 43,8 минг тонна сара пахта топширилди. Бу областнинг барча пахта майдонларини биринчи ва иккинчи репродукциядаги элита уруғлиги билан тўла таъминлашга етади.

* * *

«Оқ олтин»ни тез ва соз териб олиш бўйича районлараро социалистик мусобақада Каттақўрғон райони пешқадамлик қиляпти. Бу ерда кунига йиллик планнинг 2,7 процентига тенг пахта тайёрланаётир. Далаларда 201 машина ишлатилмоқда. Уларнинг ҳар бири билан 4 тоннадан «оқ олтин» териб олиняпти.

* * *

Пайариқ районида йиғимтерим суръати ҳамон паст. Бу ерда ишчи кучлари ва техника воситалари қувватидан етарли фойдаланилмаётгани туфайли бир кунда йиллик планнинг 1,67 процентига миқдорида хом ашё тайёрланаётир. Далаларда ишлатилаётган 128 та «зангори кема»нинг ҳар бири ёрдамида 2,6 тоннадан пахта териб олиняпти, холос.

Шу райондаги «Москва» колхозида бу борада, айниқса, қолоқликка йўл қўйиляпти. Хўжаликда ҳар бир машинанинг ўртача иш унуми 1,5 тоннадан, теримчиларнинг иш унуми эса 30 килограммдан ошмаётир.

ТОШКЕНТ

Оққўрғон райони заршунослари уруғлик пахта тайёрлаш планини бажардилар. Қабул пунктларига пландаги 8837 тонна ўрнига 9408 тонна «оқ олтин» топширилди.

«Ленинизм» колхози миришкорлари биринчи бўлиб уруғлик пахта тайёрлашни тугалладилар. Пешқадам теримчи Фотима Луқмонова 6 тонна уруғлик пахта теришга эришди. Бу — район бўйича энг юқори кўрсаткич.

* * *

Ўрта Осиё машина-синаш станцияси коллективи пахта тайёрлаш йиллик планини адо этди. 160 гектар ердан 502 тонна «оқ олтин» териб олинди. Тажриба участкаси меҳнатчилари 10 кун мобайнида яна 100 тонна хом ашё тайёрлаш мажбуриятини олдилар.

* * *

Бекобод педагогика билим юрти талабалари «Ленинизм» совхози далаларига ёрдамга чиқдилар. 670 ўқувчи дастлабки куниёқ 57 тонна «оқ олтин» теришга эришди. Илғор талабалардан Қизларой Умарова, Олтиной Иброҳимова, Ҳолида Нишоновалар хирмонга 150-200 килограммдан дурдона тўкишди.

СИРДАРЁ

Оқолтин районидаги «Фарғона» совхоз-техникуми коллективи беш йиллик планини бажарди. Давлатга 83160 тонна ўрнига 83690 тонна хом ашё етказиб берилди.

Айни кунларда совхоз-техникум пахтазорларида 154 та «зангори кема» ишлатилмоқда. Ҳар бир агрегатнинг иш унуми 6,7 тоннани ташкил этяпти.

БИР РАЙОНДА ИККИ ХИЛ МАНЗАРА

Қарши райони хўжаликларининг деҳқонлари шу кунларда дала ишларини тўғри ташкил этишга, ҳосилни нест-нобуд қилмай йиғиб олишга, терим суръатини оширишга эришяптилар. Райондаги «Коммунизм» колхози, «Ленинизм», Собир Раҳимов номли ва қўриқ 8-совхозларда амалга оширилаётган ишлар, айниқса, диққатга сазовор.

8-совхознинг Л. Ким бошлиқ агроучасткаси чўлқуварлари мусобақада пешқадам. Ушбу коллектив бу йил хўжаликнинг ярим юкини ўз зиммасига олган. Бу — 4 минг тонналик ҳосилнинг 2 минг тоннасини шу участка пахтакорлари етиштириб беради, дегани. 523 гектар ерда етиштирилган ҳосил ҳам шунга яраша. Заршунослар унинг ҳаммасини агрегатлар ёрдамида териб олишни кўзлашган. Ҳозир бу ерда кунига йиллик планнинг 4,5—5 процента миқдорида пахта тайёрланмоқда.

Тилга олинган хўжаликларда пахта сифатига ҳам алоҳида эътибор берилаётир. Деҳқонлар билан пахта тозаловчилар ўртасида қалин ҳамжиҳатлик қарор топган. Бу эса кун сайин кўп ва сифатли тола тайёрлаш имконини бермоқда. Тола чиқиш даражаси 34 процентга етяпти.

Бироқ районда ана шундай қувончли ютуқларга эришаётган хўжаликлар билан бирга, ишларида масъулиятсизлик ва ўзибўларчилик кайфиятлари ҳукм сураётган колхоз ва совхозлар ҳам йўқ эмас. Кундалик пахта тайёрлаш маълумоти районда умуман ҳосил йиғим-терими шу куннинг талабига жавоб бермаётганини тасдиқлайди. «Ҳонобод», «Қарши», «Ленин йўли», «Москва» «Гулбоғ» совхозларининг раҳбарлари хўжаликларда терим суръатини ошириш, сафарбарликни кучайтириш чораларини кўришмаяпти. Бугунги кунда уларда ўнлаб «зангори кема»лар қантариб қўйилган. «Дефолиация кечикди, ғўза барги тўкилмаяпти» деган баҳона билан кунлик пахта тайёрлашда 2—3 процентга чиқишолмаяпти. Савол туғилади: дефолиацияни ким кечиктирди?

Ташвишли сигнал

Айрим хўжаликларда қўл кучидан ҳам етарли фойдаланилмаётир. Масалан, Зоир Баротов, Баҳром Исломов ўртоқлар директорлик қилаётган «Ҳонобод», Энгельс номли совхозларда мавжуд ишчи кучлари йиғим-теримга тўла сафарбар этилмаган.

Районда бугунгача белгиланган график бўйича 9 минг киши йиғим-теримга жалб этилиши керак эди. Афсуски, ҳозирча 8066 киши пахта теряпти, холос. Уларнинг ҳам иш унуми паст. Колхоз ва совхозлардаги мавжуд 232 та терим агрегати тўла ишлатилмаётир. Оқибатда, бугунги ҳаво очиқ, долзарб кунларда район бўйича уларнинг ҳар бири билан терилаётган пахта 2—3 тоннага ҳам бормаётир.

Пахта йиғим-терими тобора ҳал қилувчи паллага кирмоқда. Айни шу кунларда мавжуд ишчи кучлари ва техника воситалари тўла ишга солиниб, суръатни ошириш чоралари кўрилмаса, кўзланган мақсадга эришиб бўлмайди. Район партия, совет ташкилотлари, хўжаликларнинг раҳбарлари бу ҳақда жиддий ўйлаб кўрадилар, деган умиддамиз.

М. КАРОМОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

РАССОМ ХАНДАСИ

— Машиналар тайёр. Теримга қачон тушамиз!
— Ҳовлиқма. Бир-иккита кўсак қолди. Шулар ҳам очилсин, машина теримини бошлаб юборамиз.

—Қишга ўтин йиғяпсизларми!
— Йўқ. Дағал хашак тўплаяпмиз.

М. Унгаров чизган расмлар.

Ахборот

▲ Қўнғирот районининг энг олис томонларида яшовчи аҳоли бундан буён Марказий телевидениенинг иккита рангли программасини кўриш мумкин: бу ерда янги трансляция станцияси ишга туширилди. Қорақалпоғистон пойтахтида қўшимча асбоб-ускуналарни монтаж қилиш ниҳоясига етказилмоқда. Бу эса шимолда Уст-Юрт ясси тоғидан тортиб жанубда — Тўрткўлгача Нукусдан телевизион эшиттиришлар қабул қилиш имконини беради.

●

Фарғона область Киров районидаги Бешариқ қишлоғида кўппрофилли янги поликлиника ишга тушди. Уни 8-қурилиш трестининг 3-механизациялашган кўчма колоннаси коллективи бунёд этди. Турли ихтисосдаги шифокорлар малакали ёрдам кўрсатиши учун ҳамма шароит яратилган тўрт қаватли мазкур шифо масканн бир кунда беш юздан ортиқ беморни қабул қила олади. Қишлоқ поликлиникасининг барча кабинет ва лабораториялари замонавий медицина асбоб-ускуналари, зарур техник воситалар билан жиҳозланган.

Суратда: терапевт-шифокор Ш. Аҳмедова.

Р. АШУРОВ фотоси (ЎзТАГ).

ОММАВИЙЛИК ВА МАҲОРАТ

Бўш вақтни намунали ташкил этайлик

Сирдарё шаҳар қуйи физкультура коллективларида жисмоний чиниқиш ва камолот мактаби бўлган спортга эътибор кучайиб боряпти. Шаҳарнинг қўпчилик меҳнат коллективларида «Саломатлик» комплекс программаси амалга оширилаётир. Мазкур программа физкультура ва спортни янада оммалаштириш, диагностика ва даволашнинг турли формаларини жорий этишни кўзда тутади.

Сирдарё шаҳрида 22 та қуйи физкультура коллективи мавжуд. Улар «Спартак», «Ёш куч», «Локомотив» кўнгилли спорт жамиятлари ва «Буревестник» спорт клубига бирлашган. Шаҳардаги мактаб ва спорт жиҳозлари заводи, автобус-таксомотор парки, 2513-автоколонна, рефрижератор вагонлари депоси қуйи физкультура коллективларида олиб борилаётган ишлар ибратлидир.

Автобус-таксомотор парки коллективи физкультура ва спорт ишларини, айниқса, жонлантирмоқда. Паркда 224 киши жисмоний тарбия билан мунтазам шуғулланиб келяпти. 1985 йилнинг ўтган ойлари мобайнида бу ерда 54 нафар оммавий разрядли спортчи тайёрланди. Шунингдек, 60 ГТО нишондори, 21 жамоатчи инструктор, 13 спорт судьяси тайёрланди.

— Физкультура ва спорт биз, транспорт ходимларининг доимий ҳамроҳимиздир, — дейди автопарк физкультура совети раиси, бошланғич комсомол ташкилотининг секретари Маъмур Низомов. — Паркимиз спортчилари шаҳар биринчиликларида мусобақаларида актив қатнашиб, фахрли ўринларни қўлга киритиб келмоқдалар.

Сулаймон Бариев тажрибали спорт тренерларидан. У шаҳардаги мактаб ва спорт жиҳозлари заводида тренерлик қилади. С. Бариевнинг яқиндан ёрдами туфайли 180 нафар спортчи ўз маҳоратини оширмоқда.

Шу йилнинг ўзида заводда 48 ишчи оммавий спорт разрядига эга бўлди. 218 ишчи ишлаб чиқариш гимнастикаси билан шуғулланяпти.

Шаҳарда жисмоний тарбия билан мунтазам шуғулланаётганлар сафи йилдан йилга кенгайиб боряпти. Шу йилнинг ўтган ойлари мобайнида велоспорт бўйича 1 СССР спорт мастери, спорт турлари бўйича 5 мастерликка номзод, 1845 оммавий разрядли, 20 биринчи разрядли спортчи тайёрланди. 2562 ГТО нишондори, 637 жамоатчи инструктор ва тренер, 552 жамоатчи судья тайёрланди.

Сирдарёлик спортчилар ўсмирларнинг биринчи область спартакиадаси мусобақаларида фаол иштирок этишди. Улар спортнинг 17 тури бўйича беллашдилар. Умумкоманда ҳисобида Сирдарё шаҳри вакиллари 2-ўринни қўлга киритдилар.

Қизлар ва ўғил болалар командалари баскетбол бўйича 1 ўринни эгаллашди. Қўл тўпи, велоспорт, енгил атлетика мусобақаларида ҳам энг юқори ўринлар қўлга киритилди. Чим устида хоккей (ўғил ва қизлар), волейбол (ўғил болалар), сузиш ва мерганлик мусобаларди. Ҳолбуки институтда талантли спортчилар кўплаб топилади.

Институт жисмоний тарбия кафедраси (мудири Ю. Колтунов) ва спорт клуби (бошлиғи Омонгул Очилова) ходимлари бу камчиликларга барҳам беришлари лозим.

Шунингдек, шаҳардаги «Спартак» стадионида мусобақалар ўтказиш учун барча қулайликлар яратиб берилмаган. Бу ерда спортчиларнинг ечинадиган хоналари талабга жавоб бермайди, яхши иситилмайди.

КПСС Марказий Комитетининг «Клуб муассасалари ва спорт иншоотларидан фойдаланишни яхшилаш тадбирлари тўғрисида»ги қарори шаҳснинг уйғун камол топишида, уларнинг қобилияти ва истеъдодларини ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади. Шу сабабли Сирдарё шаҳрида физкультура ва спорт янада жонланиши, қисқаси мазкур қарор асосида ташкил этилиши лозим.

А. БУРЛИЕВ,
М. ҲОЖИРАҲИМОВ.

ТАМАКИ ҲИДИ

ёхуд носвойфурушлар, уларни тамаки толқони билан таъминлаб келганлар ҳақида

Тамаки ҳидига ишқибозлар гул ёки райҳонни ҳам назар-писанд қилишмайди. Баъзи бировлар эса носвойдан «роҳатланадилар».

Шифокорлар носвойнинг саломатлик душмани эканлигини аллақачон исботлашган. «Одатда носвой чекувчи кашандаларнинг оғиз бўшлиғида уч-беш йилда касаллик пайдо бўлади, — дейишади улар. — Кейинчалик у ёмон шиш пайдо бўлишига олиб келади».

Ҳаваскор кашандалар бундан хабардор бўлишлари биланоқ ақл-ҳушларини йиғиштириб олишади. Ашаддийлари бўлса, парвойнафалак. Носвойфурушларга ана шундай тоифалар керак. «Бир отару, қулатар!» — деб мақтаб, оғуни пуллашгани пуллашган. Чайқовчиларнинг тури кўп, шулардан бири носвойфурушлар ҳисобланади, — дебди редакцияга ёзган хатида Улуғ Ватан уруши иккинчи группа инвалиди, тошкентлик Паёз Ғиёсов. — Носвойфурушлик кўзга илинмасдек бўлиб кўринса ҳам, аслида мўмай даромад манбаи. Текинхўр ва инсон саломатлигининг душмани бўлган бундай шахсларга нисбатан нега лоқайдлик билан қараб келиняпти?! Носвойфурушлар тамаки толқонини қаердан олишади? Менингча, булар ҳақида жиддий ўйлаб кўриш керак».

Паёз Ғиёсов шу масалада Ўзбекистон ССР Ички ишлар министрлигига ҳам мурожаат этган. У ердан олинган жавобда бундай дейилади: «Носвой сотувчилар ҳақидаги хатингиз кўриб чиқилди. Тошкент шаҳри колхоз бозорларида носвойфурушлик қилган етти киши аниқланди ва улар ҳақида тўпланган ҳужжатлар чора кўриш учун район ижроия комитетлари маъмурий комиссиялари ихтиёрига юборилди».

У бу жавобдан қаноат ҳосил қилмагач, редакцияга мурожаат этган эди. Куюнчак газетхон, шубҳасиз, жиддий масалани кўтариб чиққан. Ҳўш, носвойфурушларни, шу жумладан, Ички ишлар министрлиги жавобида қайд этилган етти шахсни ҳом ашё билан кимлар таъминлаб келяпти? Бу борада бизга кашандалардан бири ёрдам берди.

— «Тошкент» совхозига бораверишдаги йўл яқинида, Қорақамиш анҳори ёқасида тамаки толқони тайёрлайдиган тегирмон бор. Бир вақт кўрган эдим, — деди у.

Наҳотки, шундай корхона бор бўлса?! Калинин район ички ишлар бўлими ходимлари билан биргаликда айтилган жойга етиб бордик.

— Ҳа, шундай корхона бор эди. «Тошкент» совхозига кўчириб кетишган, — дейишди бу ерда бизга.

Йўлда давом этдик. Орадан кўп ўтмай димоғимизга тамаки ҳиди урила бошлади. Демак, биз қидираётган корхона шу ерда бўлиши керак.

— Бу жойлар Тошкент районига қарайди, яхшиси, шу ердаги ўртоқларнинг ўзлари сизларга ёрдам беришсин, — дейишди ҳамроҳларимиз.

Тошкент райижрокоми ички ишлар бўлимига етиб бордик. Зудлик билан оператив группа ташкил этилди. Етиб борганимизда тегирмон гувиллаб ишлаб турарди. Цех эшигидан чанг-тўзон бурқсимоқда. Ҳамма ёқни тамаки ҳиди қоплаган. Аллақачон ғаройиб уст-бош кийган икки йигит ичкарида ишлаётир. Улар тегирмон ёнидан чиқаётган тамаки толқонини пешма-теш салафан қопларга жойлашарди. Тўладан келган учинчи йигит эса бу ердаги ишларга бош-қош бўлиб турибди. У бизларнинг келганимизни кўрди-ю, ишни тўхтатди. Мотор овози тинди. Аста-секин чанг-тўзон ҳам йўқола бошлади.

Корхона каттагина майдонни эгаллаган бўлиб, атрофи шифер девор билан ўралган. Ўнг тарафда узун айвон. Унга қоп-қанорлардаги тамаки барглари тартиб билан тахлаб қўйилган. Санаб кўрилганида 82 қоп чиқди. Тегирмон ичкарисида ва ёрдамчи хоналарда эса тайёр маҳсулот — 202 қоп тамаки толқони бор экан. Ҳазилакам гап эмас-а?! Хўш, булардан қанча носвой тайёрлаш мумкин? У кимларнинг чўнтагини қаппайтиради?!

Тегирмонда ишловчи уч йигит ҳовли ўртасида ҳайрон бўлиб ер чизиб қолди. Шу пайтгача ҳеч ким уларнинг мушугини «пишт» демаган эди. «Тошкент» совхози ва Киров қишлоқ Совети раҳбарлари бу «махсус корхона»ёнидан ҳар куни бир неча бор ўтишса-да, ақалли «ҳорма, бор бўл» ҳам қилишмасди. Балки, бунда бирор сир бордир?

— Бошлиғингиз ким? — сўраймиз йигитлардан.

— Уйига кетган.

— Қаерда туради?

— Тошкент шаҳрида.

— Исми-шарифи нима?

— Айтолмаймиз.

— Тегирмон қайси ташкилотники?

— Тошкент область Совети ижроия комитети аҳолига маиший хизмат кўрсатиш бошқармасига қарайди, — тушунтирди тўладан келган йигит.

Ниҳоят, бу ерда ишловчиларнинг кимлигини билиб олдик. Ҳабибулла Жамолов, Абдулла Раупов, Наби Раупов, деб ўзларини таништиши улар.

— Бу тамакилар кимларники? — сўраймиз йигитлардан.

— Одамларники.

— Рўйхати борми?

— Йўқ. Рўйхат қилиб ўтирмаймиз.

— Корхонада иш юритиш тартиби қандай?

— Тартиб-мартиб, ҳисобкитоб деган нарса йўқ, бўлмаган ҳам. Ҳар ойда давлатга минг сўмдан топшириб турсак бас, — лўнда жавоб қилди Н. Раупов.

Маълум бўлишича, Тошкент район Совети ижроия комитетининг 1984 йил 24 сентябрдаги қарорига биноан қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлашга мўлжалланган бу «корхона»га «Тошкент» совхозидан 0,10 гектар ер ажратиб берилган. Қурилишни Комилжон Тўхтасинов бошлиқ бўлган Тошкент район аҳолига маиший хизмат кўрсатиш бўлими амалга оширибди. Корхонада аҳоли учун зарур бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқариш ўрнига фақат тамаки толқони тайёрлаш билан шуғулланиб келинган. Яна шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, К. Тўхтасинов 1984 йил 23 октябрда ўзи «ижод» қилган бўйруққа асосан Наби Раупов, Ҳабибулла Жамолов ва Абдулла Рауповни корхонага ишчи қилиб тайинлаган ва уларга доимо бош-қош бўлиб турган.

«Текширишда шу нарса маълум бўлдики, — дейиладти Тошкент район ички ишлар бўлими томонидан берилган справкада. — Бу цех 1984 йилнинг сентябрига қадар Калинин райони территориясида бўлган».

Бир тўда тамакифуруш шахсларнинг мўмай даромад манбаи бўлиб келган бу корхона қачон ташкил этилган, унга кимлар рухсат берган? Бунниси ҳозирча бизга маълум эмас. Лекин шуниси аниқки, Калинин ва Тошкент районларидаги тегишли идораларнинг раҳбарлари, энг аввало, ички ишлар бўлимлари ходимлари бунга бефарқ қараб келишган. Аниқроғи, билиб билмагандек, кўриб кўрмагандек бўлиб юришаверган. Биз аралашганимиздан кейингина улар ҳаракатга тушиб қолишди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми кўзбўямачилик, шахсиятпарастлик, текинхўрлик каби иллатларга нисбатан муросасиз бўлишга даъват этган. Шундай экан, осон йўл билан мўмай даромад топишни ўзига касб қилиб олган тамакифурушларнинг қилмишларини ва уларга қулай шароит яратиб берган масъул ўртоқларнинг лоқайдлиғини қандай баҳолаш керак? Бунга Тошкент область Совети ижроия комитетидан аниқ жавоб кутамиз.

У. ЮСУПОВ,
«Совет Ўзбекистони» махсус мухбири.

ОБ-ҲАВО

Синоптикларнинг хабар қилишича, Ўзбекистонда ҳаво булутланиб туради. Тошкент областининг тоғли районларида ва Фарғона водийсида кечаси бир оз ёмғир ёғади, кундузи ёғингарчилик бўлмайди. Республиканинг қолган территорияларида ёғингарчилик бўлмайди. Тошкент, Сирдарё областларида ва Қорақалпоғистон АССРда кечаси ва эрталаб бир оз туман тушади. Шимоли-ғарбдан секундига 5-10 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 5-10, айрим жойларда 13 даражагача, кундузи 17-22, айрим жойларда 25 даражагача иссиқ бўлади.

Тошкентда ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шимоли-ғарбдан секундига 5-10 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 5-10, кундузи 19-21 даража иссиқ бўлади.

(ЎзТАГ).

«Совет Ўзбекистони»нинг навбатдаги сони 7 октябрда чиқади.

Редактор
Л. ҚАЮМОВ.

„ЗАНГОРИ ЭКРАН“ ҲАФТАЛИГИ

7—13 ОКТЯБРЬ

7 октябрь душанба

МОСКВА-I. 9.00 — «Время». 9.40 — «Ўсмирлар ижоди». 10.00 — «Бугун — СССР Конституцияси куни». 10.30 — Концерт. 11.00 — Болалар учун фильм. 12.15 — Енгил атлетика бўйича жаҳон кубоги. 13.00 — Фильм-концерт. 14.10 — Волейбол бўйича Европа чемпионати. Эркаклар. Финал группалари командаларининг матчи. 14.40 — Мультфильм. 15.00 — Ҳужжатли фильм. 15.25 — «Гварнери квартети». Бадиий фильм. 1-2-сериялар. 17.45 — «Цирк майдонида». 18.30 — «Саёҳатчилар клуби». 19.30 — Киноэтюд. 19.40 — Мультфильмлар. 20.00 — «Ҳаёт билан ҳамдам». Бадиий фильм. 21.30 — «Время». 22.05 — Концерт. 23.55 — «Дунё воқеалари».

МОСКВА-II. 9.00 — Эрталабки гимнастика. 9.20 — Киношарҳ. 9.30 — Ритмик гимнастика. 10.00 — «Рассомлар ҳақида ҳикоялар». 10.35 — Телефильм. 11.05 — Концерт. 11.35 — Телефильм. 11.45 — Концерт. 12.10 — «Замин, инсонга таъзим эт!» 12.45 — «Сильва». Бадиий фильм. 14.05 — «Нима? Қаерда? Қачон?» 15.30 — Фильм-спектакль. 17.30 — Хоккей бўйича СССР чемпионати. «Динамо» (Москва) — «Химик». 3-давр. 18.15 — «Очилган қўриқ». 19.00 — Футбол бўйича СССР чемпионати. «Қайрат» — «Спартак». 2-тайм. 19.50 — Фильм-концерт. 20.30 — «Хайрли тун, кичкинтойлар!». 20.45 — От спорти бўйича халқаро мусобақалар». 21.30 — «Время». 22.05 — Футбол бўйича СССР чемпионати. «Динамо» (Киев) — АЗК. 23.45 — «Днепр» — «Арарат». 2-тайм.

ТОШКЕНТ-I. 7.30 — Ритмик гимнастика. 7.50 — «Салом, кичкинтойлар!» 8.00 — «Тонгги тароналар». 8.10 — Ҳужжатли фильм. 8.30 — «Ахборот». 9.00 — «Время». 9.40 — «Эшикни очинг, биров келди». Бадиий фильм. 10.55 — «Ёш сеҳргарлар». 11.45 — Фильм-концерт. 12.15 — «Ленин истиқболига». Бадиий фильм. 18.05 — Мультфильмлар. 18.56 — Адабий-музикали композиция. 19.30 — «Ахборот». 19.50 — «Бугун оламда нима гап?» 20.05 — «Бахтимиз қомуси». 20.30 — «Ахборот». 20.55 — «Пахтакор юлдузи». 21.30 — «Время». 22.05 — Концерт.

ТОШКЕНТ-II. 9.00 — 16.50 — МОСКВА-II. 18.10 — «Шундай ёқимтой бўрилар». Бадиий фильм. 19.15 — «Дўстлик тароналари». 19.50 — Ҳужжатли фильм. 20.00 — «Осмондан тушган беш ўғлон». Бадиий фильм. 21.30 — Москва-II.

8 октябрь сешанба

МОСКВА-I. 9.00 — «Время». 9.40 — «Ҳаёт билан ҳамдам». Бадиий фильм. 11.10 — Фильм-концерт. 11.40 — Телефильмлар. 12.15 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Телефильмлар. 16.10 — Концерт. 16.50 — «Онамларнинг мактаби». 17.20 — Концерт. 17.50 — «Горнчилар, қаердасиз?» 18.20 — Халқ куйлари. 18.35 — Фильм-концерт. 19.15 — «Дунё воқеалари». 19.30 — Мультфильм. 19.40 — Илмий-оммабоп фильм. 19.50 — «Фан ва турмуш». 20.20 — «Агар соғлом бўлай десанг». 20.35 — «Сўнгги дақиқада». Бадиий фильм. 21.30 — «Время». 22.00 — Телевидение фондидан». 23.15 — Футбол шарҳи. 23.40 — «Дунё воқеалари».

МОСКВА-II. 9.00 — Эрталабки гимнастика. 9.15 — Телефильм. 9.35 ва 10.35 — Табиатшунослик. 9.55 — Илмий-оммабоп фильм. 10.05 ва 13.25 — Француз тили. 10.55 — Вс. Вишневский — коммунист ёзувчи. 11.45 ва 12.40 — Ботаника. 12.05 — Шахмат мактаби. 13.00 — Физика. 13.55 — «Тарих саҳифалари». 14.40 — Концерт. 15.40 — И. С. Тургенев. Ҳаёти ва ижоди саҳифалари. 16.25 ва 18.30 — Янгиликлар. 18.45 — «...16 ёшгача ва ундан катталар». 19.30 — «Совет Иттифоқига хизмат қиламан!» 20.30 — «Хайрли тун, кичкинтойлар». 20.45 — Телефильм. 21.00 — «Музикали киоск». 21.30 — «Время». 22.00 — «Саргузашт фильмлари экрани».

ТОШКЕНТ-I. 7.30 — Ритмик гимнастика. 7.50 — Мультфильм. 8.00 — «Пионер телетайпи». 8.10 — «Тонгги тароналар». 8.20 — Ҳужжатли фильм. 8.30 — «Ахборот». 18.00 — Янгиликлар. 18.15 — Қўғирчоқ фильм. 18.30 — «Ёшлик». 19.00 — «Ишга тушириладиган объектлар — сафга!» 19.30 — «Ахборот». 19.50 — «Совет Ўзбекистони санъати» журнали — бизнинг меҳмониміз». 20.15 — Телефильм. 20.30 — «Ахборот». 20.55 — «Опера театри солистлари». 21.30 — «Время». 22.00 — «Хирмонингизга барака».

ТОШКЕНТ-II. 9.00 — 16.30 — МОСКВА-II. 18.10 — «Қизиқувчилар экрани». 18.40 — Телефильм. 19.00 — Совет давлати ва ҳуқуқи асослари. 19.30 — Концерт. 20.00 — Тошкент янгиликлари. 20.20 — Ҳужжатли фильм. 20.50 — Эстетика асослари. 21.30 — Москва-II.

9 октябрь чоршанба

МОСКВА-I. 9.00 — «Время». 9.40 — Футбол шарҳи. 10.05 — Шахмат бўйича жаҳон чемпионати. 10.15 — «Саёҳатчилар клуби». 11.00 «Сўнгги дақиқада». Бадиий фильм. 12.10 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Ҳужжатли фильмлар. 15.55 — Концерт. 16.25 — «Сенинг ленинча кутубхонанг». 16.55 — Телефильм. 17.45 — «...16 ёшгача ва ундан катталар». 18.30 — Концерт. 19.00 — «Расмларда қуёш акси бор». 19.15 — «Дунё воқеалари». 19.30 — «Шахмат бўйича жаҳон чемпионати». 19.40 — «Агар соғлом бўлай десанг». 19.55 — «Дунё ва ёшлар». 20.30 — «Вилладаги ўлим». Бадиий фильм. 21.30 — «Время». 22.05 — Концерт. 22.30 — «Сиз бунга қодирсиз». 23.15 — «Дунё воқеалари».

МОСКВА-II. 9.00 — Эрталабки гимнастика. 9.15 — Телефильм. 9.35 — Музика. 10.35 ва 13.30 — Немис тили. 11.05 — Ҳунар-техника билим юртларининг ўқувчиларига. 11.35 ва 12.40 — Н. В. Гоголь. «Тарас Бульба». 12.05 — Тележурнал. 13.10 — Табиатшунослик. 14.00 — Илмий-оммабоп фильм. 14.10 — «Совет тасвирий санъати». 15.00 — А. М. Горький драматургияси. 16.00 — «Оилавий турмуш этикаси ва психологияси». 16.30 ва 18.30 — Янгиликлар. 18.45 — Телефильм. 18.55 — «Ефрейтор Збруевнинг етти қайлиғи». Бадиий фильм. 20.30 — «Хайрли тун, кичкинтойлар». 20.45 — «Халқаро панорама». 21.30 — Время». 22.05 — Тўпли хоккей бўйича халқаро ўртоқлик учрашуви. СССР клублари терма командаси — «Болтик» (Швеция). 2-тайм. 22.45 — Концерт.

ТОШКЕНТ-I. 7.30 — Ритмик гимнастика. 7.50 — Мультфильм. 8.00 — «Тонгги тароналар». 8.10 — «Ишчи ёшлар учун». 8.30 — «Ахборот». 18.00 — Янгиликлар. 18.15 — Фильм-концерт. 18.45 — «Бугун оламда нима гап?». 19.00 — Футбол бўйича СССР чемпионати. «Пахтакор» — «Гурия» (Ланчхути). Танаффус пайтида — «Ахборот». 20.50 — «Ахборот». 21.15 — Кичик концерт. 21.30 — «Время». 22.05 — ЧССР экономикаси ва техникаси кунлари. 22.30 — «Саҳна санъати усталари».

ТОШКЕНТ-II. 9.00 — 16.35 — Москва — II. 18.10 — Телефильм. 18.40 — «Қувнсқ стартлар». 19.30 — Балет. 20.00 — Тошкент янгиликлари. 20.20 — Эстетика асослари. 21.00 — «Китоб дўстлари». 21.30 — Москва — II.

10 октябрь пайшанба

МОСКВА-I. 9.00 — «Время». 9.40 — Бадиий фильм. 11.05 — Мультфильмлар. 11.35 — «Вилладаги ўлим». Бадиий фильм. 12.35 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Телефильм. 16.10 — Концерт. 16.40 — «Истеъдод». 17.10 — Концерт. 17.40 — «Қувноқ стартлар». 18.25 — Концерт. 18.45 — «Миллионлар ленинча университети». 19.15 — «Дунё воқеалари». 19.30 — Концерт. 19.50 — Футбол бўйича жаҳон чемпионатининг саралаш матчи. Дания — Швейцария терма командалари. 2-тайм. 20.35 — «Тунги топилма». Бадиий фильм. 21.30 — «Время». 22.05 «Баттол жангдан голиб чиқиш учун». 22.45 — Концерт. 23.20 — «Дунё воқеалари».

МОСКВА-II. 9.00 — Эрталабки гимнастика. 9.15 — Телефильм. 9.35 ва 10.40 — М. Ю. Лермонтов. «Савдогар Калашников ҳақида қўшиқ». 10.00 — Илмий-оммабоп фильм. 10.10 ва 13.05 — Испан тили. 11.05 «Чет эл тасвирий санъати». 11.35 — В. А. Жуковский. 12.35 — «Фан ва турмуш». 13.35 — Илмий-оммабоп фильм. 13.55 — «Криница». 14.40 — «Ҳақиқий эркакча ҳаёт. Бадиий фильм. 16.10 ва 18.30 — Янгиликлар. 18.50 — «Қишлоқ янгиликлари». 19.50 — Реклама. 19.55 — «Чиди қўғирноқлари». 20.30 — Хайрли тун, кичкинтойлар». 20.50 — Ритмик гимнастика. 21.20 — Илмий-оммабоп фильм. 21.30 — «Время». 22.05 — «Ёз ҳам тугаб қолди». Бадиий фильм. 23.15 — Телефильм. 23.30 — Баскетбол бўйича Европа чемпионларининг кубоги. Эркаклар. 1/16 финал. «Жальгирис» (Каунас) — «Словнафт» (Братислава).

ТОШКЕНТ-I. 7.30 — Ритмик гимнастика 7.50 «Салом, кичкинтойлар!». 8.00 «Тонгги тароналар». 8.10 — «Ижод ва изланиш». 8.30 — «Ахборот». 18.00 — Янгиликлар. 18.15 — Мультфильм. 18.20 — «Қўшиғим, жон қўшиғим» 19.00 — «Тошкентдан гапирамиз ва кўрсатамиз». 19.30 — «Ахборот». 19.50 — «Республика шолипояларида». 20.10 — Ҳужжатли фильм. 20.30 — «Ахборот». 20.55 — Концерт. 21.30 — «Время». 22.05 — «Баҳс».

ТОШКЕНТ-II. 9.00 — 16.15 — Москва — II 18.10 — Алгоритмлар ва алгоритм тили. 18.40 — Мультфильм. 18.50 — «Бойчечак». 19.20 — Реклама. 20.00 — Тошкент янгиликлари. 20.20 — «Иигит ва қиз». Бадиий фильм. 21.30 — Москва — II.

11 октябрь жума

МОСКВА-I. 9.00 — «Время». 9.40 — Шахмат бўйича жаҳон чемпионати. 9.55 — «Ёз ҳам тугаб қолди». Бадиий фильм. 11.05 — Концерт. 11.35 — «Тунги топилма». Бадиий фильм. 12.30 — Телефильмлар. 13.00 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.15 — Телефильм. 15.45 — Концерт. 15.55 — Киноочерк. 16.20 — «Рус тили». 16.50 — «Бу фантастик олам». 18.25 — «Ҳамдўстлик». 18.55 — «Қуйноқ нотачалар». 19.10 — «Дунё воқеалари». 19.25 — Шахмат бўйича жаҳон чемпионати. 19.40 — Бадиий гимнастика бўйича жаҳон чемпионати. 20.25 — «Р уч икс»нинг овози мангу тинди». Бадиий фильм. 21.30 — «Время». 22.00 — «Балли, қизлар!». 23.40 — «Дунё воқеалари».

МОСКВА-II. 9.00 — Эрталабки гимнастика. 9.15 — Телефильм. 9.35 ва 10.40 — Тарих. 10.00 ва 14.10 — Инглиз тили. 10.30 — «Янги техника буюмлари». 11.05 — «Табиатшунослик». 11.35 ва 12.40 — Тарих. 12.05 — Я. Смеляков поэзияси. 13.10 — Умумий биология. 13.40 — География. 14.40 — Жамиятшунослик. 15.10 — «Пўлат шундай тобланди». 15.55 «Электроника ва биз». 16.25 ва 18.30 — Янгиликлар. 18.45 — Телефильм. 19.05 — «Камалак». 19.30 — «Саёҳатчилар клуби». 20.30 — «Хайрли тун, кичкинтойлар». 20.45 — «Социалистик экономикани бошқариш». 21.30 — «Время». 22.00 — Ҳужжатли фильм. 23.00 — Хоккей бўйича СССР чемпионати. «Торпедо» — «Динамо» (Москва), «Химик» — «Спартак».

ТОШКЕНТ-I. 7.30 — Ритмик гимнастика. 7.50 — «Салом, кичкинтойлар!». 8.00 — Тонгги тароналар. 8.10 — Илгор гажриба — ҳаммага». 8.20 — Ҳужжатли фильм. 8.30 — «Ахборот». 18.00 — Янгиликлар. 18.10 — «Ёшлик». 18.40 «Капитал маблағлардан самарали фойдаланайлик». 19.10 — «Чорвачилик — зарбдор фронт». 19.30 — «Ахборот». 19.50 — «Бугун оламда нима гап?». 20.05 — «Инсон ва қонун». 20.30 — «Ахборот». 20.55 — Эстрада концерти. 21.30 — «Время». 22.00 — Концерт.

ТОШКЕНТ-II. 9.00 — 16.30 — Москва — II. 18.10 — Телефильм. 18.35 — «Ажал сирт-могида». Бадиий фильм. 20.00 — Тошкент янгиликлари. 20.20 — Концерт. 21.00 — «Дала шийпони — идеологик ишлар маркази». 21.30 — Москва-II.

12 октябрь шанба

МОСКВА-I. 9.00 — «Время». 9.40 — Концерт. 10.00 — Киноочерк. 10.30 — «Товарлар, хизмат кўрсатиш тармоқлари». Реклама. 11.00 — Концерт. 11.45 — «Р уч икс»нинг овози мангу тинди». Бадиий фильм. 12.50 — Тасвирий санъат. 13.20 — Бадиий гимнастика бўйича жаҳон чемпионати. 14.15 — «Камалак». 14.35 — «Оила ва мактаб». 15.05 — «Дунё воқеалари». 15.20 — «Ёзувчи ва замон». 16.20 — Болалар учун фильм. 18.30. — «Ҳайвонот оламида». 19.30 — Телефильм. 19.40 — Мультфильмлар. 20.10 — Концерт. 21.30 — «Время». 22.05 — Экранда — кинокомедия. 23.30 — Концерт. 00.05 — Янгиликлар.

МОСКВА-II. 9.00 — Эрталабки гимнастика. 9.15 — «Агар соғлом бўлай десанг». 9.30 — Телефильмлар. 10.00 — «Тонгги почта». 10.30 — Городки спорти бўйича СССР чемпионати. 11.00 — «Ҳужжатли экран». 12.00 — Концерт. 13.00 — «Сиз яратган боғ». 13.30 — Концерт. **14.00 — Қозоғистон телевидениесининг программаси.**

ТОШКЕНТ-I. 7.30 — Ритмик гимнастика. 7.50 — Мультфильмлар. 8.00 — «Тонгги тароналар. 8.10 — Врач маслаҳати. 8.20 — Қишлоқ ёшлари учун. 8.30 — «Ахборот». 8.55 — «Ҳужжатли кино экрани». 9.40 — «Олтин калит». Бадиий фильм. 10.55 — «Ҳовлимиздаги стадион». 11.25 — «Маршал Жуков». 13.40 — «Замандас». 18.05 — Қўғирчоқ фильмлар. 18.40 — «Мўъжизалар оламига саёҳат». 19.30 — «Ахборот». 19.50 — «Илҳом». 20.30 — «Ахборот». 20.55 — «Куйла, дилкаш дуторим». 21.30 — «Время». 22.05 — Киноқўрсатув.

ТОЖИКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ.

13 октябрь якшанба

МОСКВА-I. 9.00 — «Время». 9.40 — Шахмат бўйича жаҳон чемпионати. 9.55 — Телефильм. 10.15 — «Спортлото»нинг 41-тиражи. 10.25 — «Будильник». 10.55 — «Совет Иттифоқига хизмат қиламан!». 11.55 — «Здоровье». 12.40 — «Тонгги почта». 13.10 — «Қишлоқ янгиликлари». 14.10 — «Музикали киоск». 14.40 — Бадиий гимнастика бўйича жаҳон чемпионати. 15.25 — Концерт. 15.45 — «Саёҳатчилар клуби». 16.45 — Мультфильмлар. 17.15 — «Агар соғлом бўлай десанг». 17.30 Концерт. 18.35 — «Халқаро панорама». 19.20 — Мультфильм. 19.30 — «Чин қалбдан». 21.30 — «Время». 22.05 — Телефильм. 22.20 — Футбол бўйича СССР чемпионати. «Динамо» (Москва) — «Жальгирис». 2-тайм. 23.05 — «Фавқулодда рейс». 23.35 — Фильм-концерт. 00.05 — Янгиликлар.

МОСКВА II. 9.00 — «Заряд-кага сафланинг!». 9.15 — «Расмларда қуёш акси бор». 9.30 — Ритмик гимнастика. 10.00 — «Рус тили». 10.30 — Телефильмлар. 11.00 — Концерт. 12.05 — Болалар учун фильм. 13.20 — Эркин кураш бўйича жаҳон чемпионати. **14.05 — Омск телестудиясининг программаси.**

ТОШКЕНТ-I. 7.30 — Ритмик гимнастика. 7.50 — «Тонгги тароналар». 8.00 — Врач маслаҳати. 8.10 — «Истеъдод». 8.30 — «Ахборот». 8.55 — Ҳужжатли фильм. 9.45 — Мактаб ўқувчилари учун. 10.05 — «Травканинг саргу заштлари». Бадиий фильм. 11.15 — «Йўл ҳаракати хавфсизлиги учун». 11.45 — «Ўзбекистон спорти». 12.15 — «Светофор». 13.10 — «Поезд тўхтаб қолди». Бадиий фильм. 14.50 — Реклама. 18.05 — «Биз қувноқ ва шодон яшаймиз». 18.35 — Қўғирчоқ фильм. 19.30 — «Ахборот». 19.50 — «Мультипанорама». 20.30 — «Ахборот». 20.55 — «Концерт». 21.30 — «Время». 22.05 — «Инсон ва замин».

ҚИРҒИЗИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ.

Р.—06062. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. ИНДЕКС 64583. А.—229. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12